

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети**

**Филология факультети
Филология кафедраси**

IV босқич талабаси

НАЗИРА АЗИМОВАнинг

ОЛТОЙ ТИЛЛАРИ КОМПОРАТИВИСТИКАСИ.
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

**ф.ф.д.,проф.Ш.Шаҳобиддинова
К.ўқит Э.Шамаев**

Андижон -2012

“Ҳимояга тавсия этаман” - илмий раҳбар, ф.ф.д., проф
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова,
катта ўқитувчи Э.Шамаев
“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга рухсат бераман” - кафедра мудири, ф.ф.д., проф
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова
“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга тавсия этаман” - расмий тақризчи

“ ____ ” июнь 2012 й.

“Ҳимояга тавсия этаман” - факультет декани, ф.ф.н., доц.
З.Қодиров
“ ____ ” июнь 2012 й.

Мундарижа

Ишнинг умумий тавсифи.....	4
Кириш. Тилшунослик методлари.....	6
Биринчи боб. Туркий тиллар тарихига оид назариялар	
1.1. Туркий тиллар тарихини даврлаштиришга оид муаммолар.....	11
1.2. Туркий тиллар тарихида Олтой даври.....	21
Иккинчи боб. Олтой тилларида мутаносиблик.....	32
2.1. Олтойшуносликка оид тадқиқотлар.....	32
2.2. Маиший лексикада олтой даврининг акс этиши.....	42
Хулоса	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги даврда Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг тарихини ўрганишга алоҳида қизиқиш билан қаралмоқда. Президентимизнинг бир қатор асарларида тарихий хотирасиз келажак йўқ эканлиги яққол кўрсатиб берилди. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб миллий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, миллий тил обрў-эътиборини кучайтириш муаммолари кўтарила бошланди.

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси Давлат тили сифатида расмий эълон қилиниши ўша давр учун катта тарихий воқеа бўлди.

Мустақилликдан сўнг мавжуд Қонунни ислоҳ қилиш зарурияти туғилди. 1995 йил 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг аҳамияти шундаки, бунда ўзбек тилининг бугунги жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳисобга олинди.

Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида тан олинар экан, бу республика ҳудудида бошқа тилларнинг фаолият кўтаришига, ривожланишига, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатларва элатларнинг ўз она тилларида алоқа қилишларига монелик қилмаслиги (2-модда), уларнинг тилларида мактаб-маориф ва маданий муассасалар (5-модда), ноширлик, почта-телеграф, нотариал идоралар, телевидение ва радио эшиттиришлар фаолият кўрсатишлари кафолатланган. Бошқа миллат ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш (4-модда) таъкидланади. Шу билан бирга республикада яшовчи барча халқларнинг тилларини илмий ўрганишга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Қардош тилларнинг туб илдизларини ўрганиш бу борадаги муҳим вазифалардандир. Олтойшуносликнинг айнан мустақиллик даврида ривожланиши ҳам бежиз эмас.

Бироқ олтой тилларининг маиший лексикаси қиёсий-тарихий планда махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, олтой тиллари маиший лексикасининг умумий тавсифи ва таснифи амалга оширилмаган. Маиший лексика лексик-семантик, тарихий-этимологик ва грамматик нуқтаи назардан тадқиқ қилинмаган, ундаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам аниқланмаган. Шулар эътиборга олиниб, мазкур ишда олтой тилларидаги муштарак маиший лексика қиёсий-тарихий, этимологик ва семантик реконструкция йўналишида лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.Олтойшуносликнинг назарий асослари бўйича маиший лексика таҳлили ишнинг асосий мақсадидир.Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- олтойшунослик асосларини ўрганиш
- маиший лексикага доир материал тўплаш

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, шакл-мазмун категориялари хизмат қилади.

Тадқиқотда асосан **қийёсий-тарихий метод** асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади. Бу метод тилшуносликнинг алоҳида бир йўналиши кампоратавистика учун асос бўлганлиги учун ҳам бизнинг ишимизда асосий методдир.

Тадқиқот манбаи ва объекти - турли луғатлар бўлиб улардан йиғилган материаллар тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Олтойшуносликка оид материаллар алоҳида жамланди

Олтой тилларига хос умумийлик маиший лексика асосида очиб берилди

Тадқиқотнинг таркиби. БМИ ишнинг умумий тавсифи, кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш. Тилшунослик методлари

Ҳар қандай фан асосида кишиларнинг олами бевосита кузатиши ётади. Инсон ўзини қуршаб турган олам узвларини сезги органлари ёрдамида ҳис қилади, бошқаларига солиштиради, фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқлайди, сўнгра муайян хулосага келади. Демак, ҳар бир фан инсонларнинг олами кузатиши, билиши жараёнида, унинг натижасида пайдо бўлади.

Фаннинг асоси бўлган билиш узоқ вақтлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келади. Жумладан, бизнинг бобокалонларимиз ҳам бу соҳада ўзларининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан машҳур бўлган Форобий билишнинг икки даражасини ажратади. Хусусан, у “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» («Ихсо ал-улум») асарида илмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритиб,

куйидагиларни баён қилади: Оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи Марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир”.

Форобийнинг тилга олган жавҳар ва ораз ҳақидаги бу фикри билиш назариясида буюк инқилоб эди. Чунки бизни қуршаб турган олам ва унинг унсурлари жавҳар ва оразларнинг ўзаро диалектик муносабатидан ташкил топгандир.

Форобий тилга олган жавҳар ва ораз тушунчалари остида нима ётади? Ҳар қандай нарса дастлаб бизнинг сезги органларимизга таъсир қилади. Ана шу сезги органларимиз ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган белгилар ораз саналади. Ораз Аристотель фалсафасидаги акциденцияни билдиради.

Форобийнинг тушунтиришича, оразни беш сезги органлари ёрдамида ҳис этамиз.

Хусусан, ранг кўриш сезги органи орқали; овоз эшитиш органи орқали; маза-таъм – маза сезги органи орқали; предметларнинг ҳолати: совуқ-иссиқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги тана сезгиси орқали, ҳид ҳидлаш органи орқали ҳис этилади.

Бу сезги органлари инсондан ташқари ҳайвонларда ҳам мавжуддир. Демак, юқоридаги сезги органлари барча жонзотларга хос. Улар орқали ҳар қандай жонзот ўзини қуршаб турган оламни амалий билади, унга мослашади.

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган умумий ҳулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «наrsa ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «наrsa ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «наrsa ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асосини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда,

табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий тараққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характери тадқиқ қилар экан, тил тараққиётига алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унинг ташқи ифодаси саналади.

Инсоннинг сезги органлари ёрдамида ҳосил бўлган билими ҳиссий ёки амалий билиш саналади. Булардан ташқари, инсон ҳаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг бу йўли қувваи нотиқа ва қувваи мутаҳаййила дейилади. Нотиқа қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчисидир.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса ҳам, лекин у кўпинча алдаб кўйиши мумкин. Масалан, Қуёш ер атрофида айланаётгандай кўринади, аслида эса аксинча.

Объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология ва тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Метод юнонча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, тадқиқот усули демакдир. **Методология** эса юнонча *methodos* “тадқиқот усули” ва *logos* “таълимот” сўзларидан олинган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари ҳақидаги таълимотдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.¹

Кўринадики, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатдадир.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлиги сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда эса методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади.

Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

¹ Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005, 211-бет.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантикий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади.

Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқ қилади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устуворлик қилса, тилшунос матн таҳлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади.

Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли боскичларга бўлинади.

Метод атамаси билан **методика** атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқ қилади. Метод билиш усули бўлса, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўрикдир.

Тавсифий метод. Тавсифий метод тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса бу метод тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.

Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тилшуносликда ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради. Демак, у ҳам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

Қиёсий-тарихий метод. Оламни билишда ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам қиёслаш умумилмий тафаккур жараёни сифатида лингвистик таҳлилнинг барча методларида учрайди.

Лекин лингвистик тадқиқот методикасида бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш ва тиллараро қиёслаш жиддий фарқланади. Бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш шу

тилнинг турли грамматик ҳодисалари ва категорияларини ўз ичига олади. Масалан, сифат билан равиш қиёсланади ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари аниқланади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади.

Тиллараро қиёслаш, бир томондан, қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси таъсирида майдонга келди.

Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди. Биринчиси, қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса ноқардош тилларни қиёслаш.

Биринчи типдаги қиёслашда қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий тараққиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиқ берилади. Бундай қиёслаш **қиёсий-тарихий метод** асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади. Бу метод тилшуносликнинг алоҳида бир йўналиши кампоратавистика учун асос бўлганлиги учун ҳам бизнинг ишимизда асосий методдир.

Иккинчи типдаги қиёслаш турли системадаги тиллар асосида олиб борилади ва унинг натижасида типологик категориялар аниқланади. Бундай метод **қиёсий-чоғиштира метод** саналади.

Биринчи боб. Туркий тиллар тарихига оид назариялар

1.1. Туркий тиллар тарихини даврлаштиришга оид муаммолар

Тил билан шу тил эгаси бўлган халқ узвий алоқададир. Халқ тарихидаги ҳар бир воқеа, халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи унинг тилида акс этади. Шунинг учун ҳам тил билан шу тил эгаси бўлган этнос ўртасида қандай алоқа мавжуд бўлса, уларни ўрганувчи тилшунослик билан халқ тарихи ва этнография ўртасида ҳам шундай алоқа мавжуддир.

Халқ элатларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ҳар қандай ўзгариш унинг тилида ҳам ўзифодасини топади. Шу сабабли халқ тарихи учун тарихий ҳужжатлар, археологик ёдгорликлар гувоҳлик бера олмаган тақдирда ҳам, унинг тили қимматли материаллар бериши мумкин. Айниқса, топоним, этноним, этнотопонимлар халқ тарихини инобатга олмай туриб ўрганиб бўлмайди. Шу билан биргаликда, тилшунослик этнография билан ҳам узвий алоқададир.

Тилнинг шу тил эгаси бўлган этнос маданиятига бўлган муносабатини, тилнинг функцияланиш ва ривожланиш жараёнида тил этномаданият, этнопсихологик омиллар ўртасидаги алоқани ўрганишга эҳтиёж туфайли этнолингвистика йўналиши вужудга келди.

Этнолингвистика атамаси грекча **этнос** – халқ, қабила ва лингвистика сўзларидан олинган бўлиб, мустақил лингвистик йўналиш сифатида XIX асрнинг 70-йилларида Шимолий

ва кейинроқ Марказий Америкадаги индус қабилаларининг тили, маданияти ва урф-одатларини ўрганишнинг кучайиши билан пайдо бўлди. Лекин бу йўналишнинг илк даврида кўпроқ этнография масаларига диққат жалб қилинди, фақат ўтган асрнинг 20-йилларида лингвистик томонига аҳамият кучайтирилди.

Этнолингвистиканинг мустақил лингвистик йўналиш сифатида шаклланишида Америка тилшуноси, этнографи Ф.Боас ва унинг издошлари хизмати катта бўлди. Улар йўналишнинг муаммолар доирасини ва тадқиқот методларини белгиладилар. Этнолингвистика Америка олимлари асарларида кўпинча “антропололингвистика”, “этносемантика” атамалари билан ҳам алмаштириб қўлланилади.

Этнолингвистика муаммоларидан энг муҳими сифатида Америка индуслари тилларининг генетик қариндошлигини аниқлаш масаласи қаралди.

Бу тилларнинг таснифи дастлаб маълум тамойилга асосланмаган ҳолда, тахминларга асосланиб қилинган бўлса, кейинчалик Э.Сепир, С.Лем, М.Сводиш, Дж.Л.Трейжер ва бошқалар томонидан аниқ илмий методларга таянилди. Индуслар тилларини синфларга бирлаштиришда ҳиссий-тарихий, глоттохронологик, тарихий-типологик ва ареал ва каби методлардан фойдаланилди.

Тилларнинг таснифидан ташқари, яна тилларнинг ва маданиятларнинг ўзаро таъсири, билингвизм масалалари, тил тарққиётига ижтимоий маданиятнинг таъсири муаммолар ҳам этнолингвистиканинг ўрганиш доирасига киритилди.

Дастлаб этнолингвистика доирасига семантика ҳам киритилган эди, лекин кейинчалик дескриптив лингвистиканинг авж олиши натижасида семантика лингвистик тадқиқотлар доирасидан чиқарилди.

Тилнинг семантик томонига ўтган асрнинг 50-йилларида Э.Сепир-Уорф гипотезасини кенг муҳокама қилиш жараёнида қайта жонланди. Айни пайтда этнолингвистика масалаларига ҳам яна эътибор кучайди. Бу даврда семантикага эътиборнинг қаратилиши натижасида узвий таҳлил методи амалиётда кенг қўлланилди. Бундай усул ёрдамида турли тилларда социал-маданий хусусиятларни ифодаловчи сўзлар гуруҳи (қариндош-уруғ номлари, ранг билдирувчи сўзлар) атрофлича таҳлил этилди.

Шунингдек, турли этник гуруҳларда қўлланиладиган паралингвистик воситалар, фольклор материалларини ўрганиш ҳам этнолингвистика объектига киритилди. Хусусан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида этнолингвистиканинг фольклор материалларига эътиборнинг тортилиши тил ва маданият ўртасидаги алоқанинг янги турларини очишга имконият яратди ва бу билан этнолингвистиканинг ўрганиш доирасини кенгайтирди.

Ҳозирги кунда этнолингвистика дунёнинг деярли барча мамлакатларида тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида эътироф этилди ва бу йўналиш бўйича кенг тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлганлигидан, у жамият билан, жамиятнинг ҳаёти билан узвий алоқададир. Демак, тилнинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий вазифаси, тилга социал омилларнинг таъсири, тил тарққиётида тил сиёсатининг роли каби қатор масалаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослик йўналишининг шаклланишига катта эҳтиёж туғилди.

Илмий техник революциянинг ривожланиши унинг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, фалсафий муаммоларнигина актуаллаштирмай, балки ижтимоий-лингвистик муаммоларни ҳам актуаллаштирмоқда, бу эса ўз навбатида дунё тилларининг фаолиятига, ривожланишига, ўзаро муносабатига, дунё лингвистик жараёнига улкан таъсир кўрсатади.

Тиллар фаолияти ва ривожланишининг ички қонунларини социолингвистик ва структуралистик ёритишда социолингвистлар ва структур лингвистика (айниқса тилларнинг шаклланиш муаммолари билан) шуғулланувчи тилшунослар ўртасидаги айрим баҳслар манбаси бўлиб, тилларнинг фаолияти, ривожланиши, ўзаро муносабатида жамиятнинг тилга онгли ҳамда стихияли таъсирини фарқлаган ҳолда синхрон ва диахрон аспектда кўриб чиқишда ижтимоий факторларнинг роли ҳақидаги масала хизмат қилади.

Жамият лисоний ҳаётига илмий техника революцияси таъсирининг характери, темпи, кулами, сохҳалари ва хусусийликларини аниқлаш - социолингвистиканинг энг муҳим ва актуал вазифасидир.

Замонавий ижтимоий ривожланиш ҳамда илмий техник революция тилни социолингвистик ва структур ўрганиш муаммоларини чуқур таҳлил қилишни ҳаётий зарурият қилиб қўйди.

Глоссематика асосчиларидан бири Л.Ельмслев концепциясининг моҳияти "тилни мутонисибликлар соф структураси сифатида қарашдир".¹

Социал лингвистика фонологик система бирликларидан тортиб бутун тил структурасигача бўлган барча тил ходисаларини ижтимоий шартлашган ходисалар деб қарайди.

Дунё лингвистик жараёнининг социолингвистик тадқиқотлар объекти бўлмиш томонлари илмий техника ривожланишининг энг кучли таъсирига учрайди, яъни дунё тиллари ижтимоий функцияларининг нотекис ривожланиш жараёнлари, терминологик системаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг узуликсиз дифференциациясининг ўсиши, худудий диалектларнинг "майдалашуви", тиллар(айниқса ривожланган)нинг ижтимоий-касбий

¹ Л.Ельмслев. Метод структурного анализа в лингвистике. В кн. В.А. Звегинцев История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч II. М. 1965, стр. 106

дифференциациясини тезлашуви, мафкурафий концепциялар таъсирининг кучайиши(айниқса лексик-семантик ва стилистик системаларга) ва ҳақозо.

Тил ва маданият, миллий тил ва миллий маданият ўзаро ҳамбарчас боғлангандир.

Маданият атамасини биз кенг маънода қўллаймиз, яъни моддий ва маънавий маданиятни кўзда тутамиз. Биринчиси, моддий ишлаб чиқариш, истеъмол, ҳўжалик соҳалари маданиятини ўз ичига олса, иккинчиси эса фан, маориф, санъат, бадиий адабиёт ва б. барча соҳаларни қамрайди.

Тил-маданият муносабатини шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатларга келтириш тўғри бўлмайди. Тил - кўп йўналишли ходиса, Ўзининг ижтимоий ва моддий табиатига кўра моддий ва маънавий маданиятнинг барча соҳалари, барча таркибий қисмларининг мазмуни ҳамда бошқа томонларини бевосита ёки билвосита акс эттиради, ифодалайди. Тил - маданият яратиш, ижод қилишнинг энг асосий воситаларидан биридир. У маданиятга эришиш, уни тушуниш, унинг соҳаларида мулоқат қилиш, унинг ривожини олдиндан айтиб бериш востасидир. Маданият тил ривожланишига таъсир қилса ҳам, у тил ички ривожланишининг асосий воситаси ва қуроли эмас. Ўзининг универсаллиги ва табиатига кўра тил маданият билан ўзаро солиштириладиган ходисалар эмас. Тил ва маданиятни яратувчи ва ривожлантирувчи ижодкор куч халқ ва жамиятдир. Шундай қилиб, тил ҳам, маданият ҳам бир бирига нисбатан ижод қилувчи субъект ролини ўйнамайди. Улар орасидаги муносабат объект ва субъект ўртасидаги муносабат ҳам эмас.

Миллий маданиятлар яқинлашуви ва қўшилишига асосан ташқи ижтимоий факторлар таъсир кўрсатади. Шунинг учун баъзи ижтимоий шароитларда маданиятларнинг ўзаро яқинлашиши ва қўшилишини кузатиш мумкин. Бу маънода миллий тиллар миллий маданиятдан ажралиб туради. Барча ижтимоий ходисалар ичида тил системаси энг ёпиқ ҳисобланилади ва ўта ўзига хос хусусиятларга ҳамда мураккаб структурага эга. Шунга кўра тилларнинг бир-бирига қўшилишига асосан тилнинг ички қонуниятлари қаршилик кўрсатади.

Шу кунга қадар тилни абстракт моҳият сифатида ўрганиш системавий структур тилшуносликнинг бош тамойили бўлиб келди. Натижада тил ва нутқ моҳият ва ходиса, имконият ва воқелик каби диалектик категориялар асосида ўзаро фарқланди. Тилни иккинчи даражали, ўткинчи, чегара белгиларидан соқит қилган ҳолда соддалик, изчиллик, зиддиятга йўл қўймаслик тамойили асосида ўрганишга имконият яратилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб илмий тадқиқотлар парадигмаси ўзгарди. Агар илгари фундаментал фанлар назарий ғояларни илгари сурган ҳолда, бу ғоялар аста-секин муаян технологияларга мувофиқ равишда ҳаётга жорий қилинган бўлса, яъни «назариядан амалиётга» тамойили устуворлик қилган бўлса, ҳозирги кунда кўп ҳолларда унинг акси кўзга

ташланмоқда: у ёки бу технологиянинг тараққиётига эҳтиёж назарий тадқиқотлар йўналишини белгиламоқда. В.И.Герасимов ва В.Петровларнинг таъкидлашларича, агар лингвистика бу янги шароитга тайёр бўлмаса, тил коммуникациясининг бугунги кундаги муҳим муаммоларини ўрганишда ўзининг обрўсини йўқотиши мумкин.

Бугунги кунда коммуникация жараёнида тилни сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги амалий билимисиз, уни эътиборга олмаган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди. Структур тилшуносликнинг отаси ҳисобланган Ф. де Соссюр ҳам тилшуносликни тилнинг қайси жиҳатдан ўрганилишига кўра ички ва ташқи лингвистиканинг ўзаро ҳамкорлигини таъкидлаган эди.

Ҳозирги кунда бу икки лингвистиканинг ўзаро муносабатига катта эътибор қаратилмоқда. Тилнинг ички тузилишини ўрганиш билан бирга, тил эгасининг коммуникация жараёнидаги роли, оламнинг лингвистик қиёфаси каби масалалар лингвистик тадқиқот доирасига тортилмоқда.

Сунъий интеллект назарияси тараққиётнинг ҳозирги даврида мантиқ, лингвистика, психология ва герменевтика сингари ташқи томондан ундан узоқроқ бўлиб кўринган фалсафий йўналиш натижаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб тилшунослик ҳам когнитив фанлар концептуал базаси бўлган когнитив фан ўзининг катта бурилиши даврига кўтарилди. Натижада янги назарий манбаларни қидириш эҳтиёжи вужудга кела бошлади.

Оламнинг лингвистик билишда Гуссерлнинг интенционал феноменология назарияси катта аҳамиятга эгадир. Гуссерл интенционалликни объектга йўналганлик белгиси орқали тушунтирар экан, уни ҳатто иллюзия ва галлюцинация каби ментал актларда ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайди.

Интенционал феноменология назарияси тарафдорлари хилма-хил ментал актлардаги объектлар сифатида сезги аъзоларимизга берилувчи конкрет объектларни ҳам афсонавий объектларни ҳам, галлюцинация, яъни «кўзларингизга кўринувчи» ёлғон объектларни ҳам эътироф этадилар. Уларнинг ҳаммасини умумлашган ҳолда ифодалаш учун ноэма атамасидан фойдаландилар. Шундай қилиб, ҳар бир нутқий акт унинг объектга йўналишини таъминловчи ноэмага эга бўлади (2).

Бугунги кунда когнитив фанлар олға сурган борлиқни ментал гавдалантириш ғояси билан герменевтика ғоялари кўп жиҳатдан уйғунлашмоқда. Хусусан, борлиқдаги моддий ва руҳий олам ўртасига қатъий чегара қўйишга танқидий муносабатда бўлиб бизнинг сезги аъзоларимизга берилган борлиқ узвлари ментал, яъни фикрий ҳосила (ментал концепт) эканлиги эътироф этиш ғоялари орқали умумийликни ҳосил қиладилар.

Кўринадики, феноменология ва герменевтика ғоялари бугунги кунда оламни лингвистик билиш ғоясини тарғиб қилаётган ва ривожлантираётган синтактик семантиканинг таркибий қисми бўлган синтактик прагматика учун назарий таянч нуқталар бўлиб хизмат қилмоқда (3).

Когнитив фанларининг марказий тушунчаси борлиқни ментал гавдалантиришдир, ёки тил менталлигидир.

Тил менталлиги деганда объектив айрим қисмлари ва унинг тил тасаввурлари ўртасидаги муносабат тушунилади.

Борлиқнинг тил тасаввури деганда эса, борлиқнинг тил орқали онгда акс этиши, тил тафаккури тушунилади.

Тилга менталистик нуқтаи назардан қаралганда, тил орқали борлиқ акс эттирилади, тасаввур қилинади деган ғоя илгари сурилади. Оламни акс эттириш ёки тасаввур қилиш чўққилар тамойиллигига асосланади. Уларнинг фикрича, оламни акс эттириш унинг чўққиларини акс эттириш орқали амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтганда, акс эттиришга бир бутун олам эмас, балки, факт уни чўққилари берилади. Яъни сўзловчи томонидан оламнинг энг муҳим, релевент белгиси сифатида кўринган қисмлари тасаввур қилинади (4). Тил менталлиги назариясига кўра борлиқ ёки олам атамаси остида инсонни қуршаб турган оламгина эмас, балки инсон томонидан яратилган, яъни инсоннинг нутқий фаолияти ва унинг ҳолати олами ҳам тушунилади.

Тил менталлиги ҳозирги кунда синтактик семантиканинг таянч тушунчаси бўлган фреймлар билан узвий боғлиқдир. Шу билан биргаликда лексик майдон назарияси билан фреймлар семантикаси ўртасида ҳам муайян боғлиқлик ва ўзига хослик мавжуд.

Фрейм - бу қуйма (стереотип) вазиятларни гавдалантиришнинг бир усули саналади (5). Масалан: *хона тасвири, тўй тасвири* ва бошқалар. *Опа, ака, ука, сингил, амма, хола: душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, нонушта, тушлик, кечқурунлик; саҳар, эрталаб, туш, оқшом, кечқурун* каби сўзлар онгингизда маълум гуруҳларни ташкил қилади. Уларнинг ҳар бирини бир бутун сифатида ўрганиш қулайроқ ҳисобланади. Чунки ҳар бир гуруҳ олам ҳақидаги билимларимизнинг маълум даражадаги схематизациясининг лексик вакиллари саналади. Ҳар бир гуруҳга мансуб муайян аъзонинг маъносини билиш учун энг аввало, уларнинг барчаси нимани билдириши ҳақида билимга эга бўлишимиз талаб этилади. Ҳар қайси гуруҳга мансуб бўлган лексеманинг маъноси остида ётган билимга ҳар бир гуруҳни бир бутун моҳият сифатида қараш орқали эришилади.

Юқоридаги гуруҳ аъзолари ўзаро сўзловчиларнинг олам ҳақидаги билими асосида ўзаро боғлангандир. Онгимизда бундай сўзлар алоҳида унификациялашган билимлар қурилмаси орқали ўзаро боғланади. Ана шундай билимларни ифодалаш учун сўнгги даврларда фрейм, когнитив модел, сахна глобал модел, ёлғон текст (псевдотекст) атамалари қўлланилмоқда.

Биз у ёки бу тилдаги ҳафта кунлари ва у билан боғлиқ бошқа сўзлар ҳақидаги тушунчамизни аниқ ифодалашимиз учун ягона тасвирлаш фреймига мурожаат қилишимиз мумкин. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) қуёшнинг ҳар кунги ҳаракати билан боғлиқ бўлган циклни тушуниш; 2) бир кунлик цикл қачон тугаб, қачон бошланишини билиш; 3) етти кундан ташкил топган ҳафталик катта календар циклини билиш; у ҳафта кунларининг иш ва дам олиш билан боғлиқ даражаси ҳақидаги билим. Ана шу билимларга эга бўлиш бу лексемаларнинг концептуал базасини ҳосил қилади.

Кўринадикки, фреймлар семантикаси лексик майдон назарияси билан узвий боғлиқдир. Лекин лексик майдон ва фрейм тушунчалари маълум хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади.

Тилшунос олимларнинг кейинги маълумотларига кўра дунёда кишилар 5600 хил тил ва диалектлар воситасида алоқа қилишар экан. М; Судан аҳолиси 117 тилда, Ўзбекистонда 100 дан ортиқ тилларда мулоқот қилишар экан. Конгода 500 та, Индонезияда 250 та тил мавжуд. Ҳиндистонда тўрт уздан иборат экзоглосс лисоний ҳолат мавжуд. 1) маҳаллий тиллар: 2)худудий тиллар, 3) макровоситачи тил: 4) диний ёки касбий тил. Шунинг учун ҳам тилшуносликда тиллар тил оилаларига ажратилади.

Ўзаро ўхшашлиги келиб чиқиш асосининг умумийлиги билан изоҳланадиган тиллар гуруҳи тиллар оиласи дейилади. Тил оиласи ўз ичига бир бобо тилдан келиб чиққан ҳамма тилларни олгани учун ит жуда йирик тиллар йиғиндисини ташкил этади. Ҳозирги тилшунослик маълумотларига қараганда бугунги кунда 20 дан ортиқ тил оилалари мавжуд. Ҳар бир оила ўз навбатида қариндошликнинг яқинлик даражасига кўра бир неча гуруҳларга ажратилиши мумкин. Масалан, туркий тиллар оиласи бир неча гуруҳларга бўлинади: ўғуз, қипчоқ, қорлуқ каби.

Туркий тиллар оиласи сон жиҳатидан ҳинд-европа тиллар оиласидан кейин иккинчи ўринда туради.

Ҳозирги олтой тиллар оиласига мансуб халқларнинг умумий сони 135,6 млн. бўлиб, шундан 106,5 млн. туркий, 15 млн.мўғул, 14,1 млн. тунгус-манжур тилларида сўзлашувчи халқлар ташкил қилади. Кўриниб турибдики, олтой тиллари оиласида туркий халқлар энг кўп сонли бўлиб, улар фақат Осиёдагина эмас, хаттоки Европада (3,2 млн), Африкада (35 минг), Америкада (95 минг), Австралияда (35 минг) ҳам истиқомат қиладилар. Ҳозирда туркий

тиллер оиласига кўпгина катта ва кичик, жонли ва ўлик тиллардан 44 таси киради: турк (усмонли турк), ўзбек, туркман, козоқ, қирғиз, уйғур, озарбайжон, болқор, қўмиқ, қорачой, нўғай, бошқард, татар, чуваш, хакас, тува, ёқут, қрим-татар, гагауз, қорақалпоқ, чулим, олтой, сибирнг-татар лахжалари, қарай, турхман, тофалар (карагас) тили, камасин, шор ва бошқ.

Туркий тилда сўзлашувчи халқлар илмий манбаларда 40, баъзиларида 60 та деб кўрсатилади. Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар сони 90-100 миллионни ташкил қилади. 1992 йил 4-9 май да Анқарада туркий халқлар конгресси бўлиб ўтади. Мазкур конгрессни ташкилий қўмита раиси Айда Қутлу сўзлаган нутқида бугунги кунда туркий тилларда сўзловчи халқларнинг сонини 200 миллионга етди, деб таъкидлаган.

Бу далилнинг ўзиёқ туркий тилларнинг қадимийлигидан, жуғрофий ҳудуднинг кенглигидан далолат беради.

Юқорида санаб отилган тиллар келиб чиқишининг умумийлиги, фонетик, лексик-семантик морфологик ва синтактик хусусиятларининг ўхшашлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам ягона тиллар оиласини ташкил қилади.

Туркий тиллар оиласига мансуб тиллар учун асос бўлган бобо тил-қадимги турк тилидир. Бундан англашиладики, туркий тиллар узоқ ва қадимий тарихга ега.

Туркий халқлар ва уларнинг тиллари тараққиётини бир қатор турколог олимлар турли босқичларга бўлиб даврлаштирган. Жумладан, Н.А.Баскаков «Введение в изучение тюркских языков» («Туркий тилларни ўрганишга кириш») асарида туркий тиллар тараққиётини қуйидаги даврларга бўлган:

1. Олтой даври (эрамизнинг III асригача).
2. Хунну даври (эрамизнинг V асригача).
3. Қадимги турк даври (V—X асрлар).
4. Ўрта турк даври (X—XV асрлар).
5. Янги турк даври (XV—XX асрлар).
6. Энг янги давр (ҳозирги туркий тиллар).

Қадимги туркий ёзув манбалари асосан Турк хоқонлиги, Уйғур хоқонлиги ва Қирғиз хоқонлиги даврларига оиддир. Уларнинг орасида Турк хоқонлиги давриманбалари энг салмоқли ва ҳажм жиҳатидан йириклари саналади. Қадимги Хитой манбаларида Турк хоқонлиги Тукю номи қайд этилган. Маълумки, V—VI асрларга келиб, Ўрта Осиёда қулдорлик тузуми емирилиб, унинг ўрнини феодализм муносабатларига асосланган жамият эгаллади. Қадимги Хунну, Кушан (I—IV асрлар), эфталит—VI асрлар) давлатлари ўрнида 552 йилда янги қудратли феодал давлат—Турк империяси (ёки Турк хоқонлиги) вужудга келди. Унинг ҳудудида Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мўғилистон, Марказий ва Ўрта Осиё каби жуда катта ўлкалар бирлашган эди, Чегаралар Корея ва Қора денгиз, Урал—Селенга ва Урхун дарёлари эди.

Академик Бартольд Тукю давлатини мўғул давригача бўлган барча Кўчманчи империяларнинг энг қудратлиси эди, деб таъриф беради. Унинг таркибида булғор, хазар, авар, мўғул, тургеш, қарлук, татаби, чигил, ўғуз, қирғиз, уйғур, суғд ва бошқа кўплаб қабила ва элатлегр мавжуд эди. Уларнинг айримлари камончи бўлса, айримлари (асосан шаҳарларда) ўтроқ ҳаёт кечириб, дехқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланар эди. Биринчи марта темир ишлаб чиқариш ва ундан турли ҳарбий қуроллар тайёрлаш ҳам дастлаб шу мамлакатда йўлга қўйилган бўлиб, тўқимачилик, керамика ва савдо-сотик анча ривожланган эди. Мамлакатнинг олий ҳукмдори ҳокон бўлиб, турли вилоят ва ўлкаларда шад, шадапит, бағлар раҳбарлик қилар эдилар. Оддий фуқаролар — халқ будун деб аталган. Ана шу жуда кенг ҳудудни бирлаштирган улкан мамлакат Турон, айрим форсий манбаларда Туронзамин шевалар хусусиятларига асосланадилар.

1.2. Туркий тиллар тарихида Олтой даври

Олтой даврининг қатъий хронологик чегараси белгиланган эмас. Туркий тилларнинг олтой назариясига кўра туркий, мўғул, тунгус-манжур тиллари билан қариндош ҳисобланиб, шу тиллар биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил қилади. Олтой даврида турк тилларини ривожланиши шундай ҳаракатланадики, биринчидан, монгол, турк, тўнғус-манжур тилларида диф-си ягона умумий тилга бирлашади, иккинчи томондан эса ўша ягона тилни иккига бўлишган. 1.Турк-монгол ва 2.Тўнғус-манжур тилларига бўлинади. Бу бўлимларнинг ҳар биттаси ўзининг фонетик, грамматик белгиларига эга бўлади.

Олтой даврига тўнғус-манжур гуруҳларини ўзинигина эмас, балки турк ва монгол тилларини икки мустақил гурппага ажратиш процессини кўрсатади.

Ҳозирги монгол тилларида кўрсатилишича бир томондан турк тиллари, иккинчи томондан фонетик белгилари ҳарактерланади монгол ва турк тилларидаги дифференциялашга ротацизм ва ламбдаизмни киритиш мумкин. Монгол тилидаги ундошлар р ва л турк тилидаги ундошлар з ва ш ва л ни сақланиши алоҳида, фақат қадимги ва ҳозирги чуваш тилларига киради.

Кўп ҳолларда фонетик ўхшашликлар т-с, ч-ш ҳозирги турк тилларида ёқут, хокас, башқирд қадимги умумий фонетик, тўнғус-манжур чизикларини сақлаган.

Монгол тили умумийлиги ҳозирги туркий тилларнинг бирида сақланмоқда, яъни чуваш тилида.

Мисол.

Чуваш т. р**бошқа турк тилларида з**

варам	« узун»	узун
варах	«долге»	узук
иер	«след»	из
кер	«куз»	куз
пар	«лед»	буз
тир	«нанизивать»	диз
хер	«киз»	киз
хур	«гусь»	каз
хуран	«котель»	казан
чер	«колено»	диз
	«чертиль»	сиз
сер	«цедить»	сўз
шур	« болото»	саз
сер	« сто-юз»	йуз
сул	« йил»	йаш // жас
пилек	«беш»	бии // бес
тел	«время»	туш// тус
	«цель»	
телек	«сон»	туш // тус
хел	«зима»	киш // кис
чул	«камень»	таш// тас
	тош	
шал	«зуб»	тиш// тис
алак	«дверь»	ешик// есиқ
гелт	«слушать»	ешит// есит

Чуваш тили Р.

Бошқа турк тилларида з.

р-з

л-ш

боғланишлари шу билан изоҳлаш

мумкин-ки, улар нафақат хос, балки бошқа турк тилларида ҳам ҳам учраши мумкин. Бу белгилар турк тилини лексикасида тарихий синонимлар ҳолатида ёки бошқа сўзлар ҳолатида учраши мумкин.

Қадимги р турк тилларини ичидагина эмас, бошқа турк тилларини ичида ҳам з га ўхшашдир, фақат буларгина эмас яна р д ва й ундошларига ҳам ўхшашдир. Бу турк

тилларини кейинги ривожланишида алоҳида белгилари дифференция мобайнида турк тилларини нечта алоҳида гуруҳлар ташкил қилинган.

Чуваш тили	бошқа турк тилларда	
шар	-сий-	
ура	-айак-	аёқ
варан	-айан-	
керу	-куйёв-	зять
сар	-йай-	ёй
таран	-той-	таран
хуран	-кайинь кайин	

Урал тиллари оиласи фин-угор ва самодий тилларини ўз ичига олади. Бу тилларда гаплашувчи халқларнинг дастлабки ватани Урал тоғлари атрофи деб фараз қилинади. Шу туфайли бу тиллар Урал тиллари номи билан юритилади. Ҳозир Сибирда яшовчи ханти, манси, ичонасанлар, Волга бўйида яшовчи мордва, марилар, коми АРда яшовчи коми, удмуртлар, Болтиқ бўйида яшовчи эстон, карель финлар ва Марказий Европада яшовчи венгерлар Урал тиллари оиласига мансуб тилларда сўзлашадилар.

Олтой тиллари ҳам учта катта группасини ўз ичига олади: туркий тиллар, мўғул тиллар, тўнгус тиллари. Бу тилларда ҳозирда асосан Осиё китъасининг Сибир, Мўғилистон Шарқий-шимолий Хитой, Ўрта Осиё, Волга бўйи, Яқин Шарқ, Кавказ территорияларида яшовчи халқлар гаплашадилар.

Урал ва Олтой тиллари структурасида анчагина ўхшашлик мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Бу тиллар агглютинетив типдаги тиллар бўлиб, уларда аффикс ва асос аниқ чегараланади, ўзак сўз-формага тенг келади, ҳар бир грамматик манони бошқа-бошқа форма ясовчи аффикс ифодалайди.
2. Бу тилларнинг деярли барчасида сингармонизм у ёки бу даражада мавжуд, бу фонетик ҳодиса Хинд-Европа, хамит –семит каби тил оилаларида учрамайди.
3. Қарашлилиқ махсус грамматик категория билан ифода этилади.
4. Грамматик род категорияси мавжуд эмас.
5. Бир типли турланиш хусусиятига эга (яъни от, сифат, олмош каби сўзлар туркумлари ҳаммаси бир хил турланади), Хинд Европа тилларида, масалан рус тилида бу сўз туркумлари турланишда ўзаро фарқланиши билан биргаликда, бир туркумнинг ўзида уч хил турланиш формалари системаси мавжуд.

6. Ҳинд-Европа тилларидаги предлог функцияси бу тилларда кўмакчилар бажаради.

7. Аниқловчи билан аниқланмиш ўзаро сонда мослашмайди (бундан фин-угор, тўнгус-манчжурлар тилларининг айримлари мустасно).

Ҳозирги тилшунос, тарихчи ва бошқа олимлар хунларни тил жиҳатидан тўнгус ёки муғул эмас, балки туркий деб кўрсатадилар. Қадимги Хитой манбаларида ҳам 6 аср турклари хунларинг бевосита авлоди сифатида қаралади. Бироқ, Марказий Осиёдан то Волга дарёси бўйигача бўлган территориядаги хунлар бир хил тилда гаплашган деб бўлмайди. Хун даврида қабила ва уруғларнинг тили бир-биридан фарқ қилган. Лекин бу фарқ бир тил оиласи ичида элементар тарзда бўлган. Хунларнинг ёзуви бўлганлиги ҳақида айрим маълумотларгина мавжуд, лекин бу ёув акс этган ёдгорлик топилмаган. Хитой манбаларида эса хунларнинг ўз ёзуви бўлганлиги ҳақида шундай дейилади: Хитой элчиси 245-250 йилларда Камбоджага боради ва қайтиб келгач, қуйидагича ахборот беради: «Улар ёзуви хун ёзувига ўхшайди», бундан ташқари, Хитой манбаларида хунлар солиқ тўловчиларнинг мол-мулкани ҳисобга олувчи китоб тутганлиги ҳам айтиб ўтилади. Баъзи олимлар туркий руник ёзув хун ёзувининг тараққиёти натижасида вужудга келган деб ҳисоблайдилар ва буни асослашга ҳаракат қиладилар. Умуман, хун давлатининг, маданиятининг тараққиёт даражаси уларда ёзув бўлишини тақозо қилади. Бу ёзув хунларнинг ўзи томонидан ихтиро қилинганми ёки улар бошқа халқларнинг ёзувидан фойдаланганми ҳар ҳолда кўпчилик бу ёзув, агар мавжуд бўлган бўлса, ғарбдан келган деган фикрни ёқлайди, бу ҳозирча номаълум.

Марказий Осиёдан Дунай бўйларигача етиб борган биринчи турк давлатини хунлар тузган эди. Дастлаб Гоби саҳросининг жануби-ғарбида пайдо бўлган хунлар эрамиздан аввалги 12 асрда Ғарбдан Шарққа ўтадилар ва бу ердаги кўчманчи қабилаларни бўйсундирадилар. Эрамиздан аввалги 9 асрдан бошлаб хунларнинг Хитой билан уруши бошланади. Мана шу пайтда Хитой чегарасида пайдо бўлган юзчжи қабилалари ҳам кучая бошлайди. Бир неча аср давом этган курашдан кейин хунлар қабилалари чўл зонасида гегемонликни ўз қўлига киритади. Эрамиздан аввалги 165 йилда юзчжилар ва усунлар Ғарбий Тянь-Шан ҳамда Етгисувга чекинадилар. Хун давлати айниқса шаньюй Модэ (эрамиздан аввалги 209 йил) даврида кучаяди.

Хун давлати уруғ-қабилачилик асосида вужудга келган эди. Уруғ сайланган оқсоқол томонидан бошқарилар эди. Хун давлати 24 уруғнинг уюшмасидан ташкил топган. Ҳар бир уруғининг ўз оқсоқоли бўлган. Ана шу 24 уруғ оқсоқоли ичидан энг обрўлиси хунларнинг шан-юй (уруғ, буюк) бўлган. Шан-юй мутлоқ ҳоким бўлган эмас. Шан-юй аввал сайланган бўлса, кейинроқ у мерос бўлиб ўта бошлаган. Хунлар Модэ давридан бошлаб ҳарбий тартибга

катта эътибор берганлар. Хоинлик қилганлар, ҳарбий интизомни бузганлар ўлимга маҳкум қилинган. Ўғирлик қилганларнинг мулки, баъзан оиласи ҳам мусодара қилинган. Ер давлатининг асоси ҳисобланган ва ҳар бир оила ва уруғнинг ўз қишки ва ёзги яйлов бўлган. Хунларда қуллар ҳам бўлган, лекин улардан уй ишларида фойдаланилган. Асосан, урушда асир тушганлар қулга айлантирилган.

Хун эркаклари туғма жангчи бўлган, яъни уруш пайтида урушга яроқлиларнинг ҳаммаси иштирок этган. Бойишнинг асосий манбаи уруш пайтида олинган ўлжа бўлган. Шунинг учун уруш уларнинг ҳаётида муҳим яшаш манбаи ҳисобланган. Хун аскарлари асосан ўқ-ёй билан қуроқланган. Урушда хунлар қўллаган асосий тактика тасодифан, шиддат билан ҳужум қилиб чекинишдир. Агар душман ҳужумга ўтса, хунлар ҳужумни қабул қилмай, турли томонга чекиниб, яна тўпланиб ҳужумга ўтганлар. Шунинг учун уларни ҳайдаб юбориш осон, енгил қийин, тор-мор келтириш мумкин эмас эди.

Ўша даврда хун аёллари тараккий этган давлатларда, масалан, Хитой, Ҳиндистон ва Эронда бўлгани каби камситилмаган аксинча, улар ижтимоий ҳаётда актив иштирок этганлар.

Эрамининг 215 йили Хитой билан олиб борилган давомли уруш натижасида ҳамда кучаяётган сяньби қабилаларининг таъсирида хунлар тўрт тармоққа бўлиниб кетади:

1. Шимолий хунлар: булар Сибирга силжиб, угор қабилалари билан аралашиб кетадилар
2. Юэбань таъсирида бўлган хунлар
3. Хунно-сяньби аралаш қабилалар
4. Хитой хунлари: булар 5 асрга келиб тўлиқ хитойлашиб кетадилар

Европада гунн номи билан юритилган истилочилар асли сяньби қабилалари таъзийқидан қочиб, Урал тоғлари атрофига келиб қолган ва у ердаги угор қабилалари билан аралашиб кетган шимолий хунларнинг авлодлари эди. 150 йил давомидаги бу аралашув хунларнинг қиёфаси ва психикасини ҳам ўзгартириб юборди. 350 йилдан бошлаб хунларнинг Европада юриши бошланди.

Тарихий манбаларда хунн, хун, гун номлари билан юритиладиган қабилалар ҳақида энг дастлабки маълумотлар Хитой манбаларида ва кейинроқ Европа тарихчилари асарларида учрайди. Бу манбаларда, айниқса Хитой манбаларида айтилишича, Хунлар Гоби саҳросининг жанубий томонида яшаган хяньюн ва хуньюн қабилаларининг шу саҳродан ўтиб, Шимолий Хитой, Монголия, Забайкалье территориясидаги аборигенлар ва хитой элементларининг аралашувидан ташкил топган. Бу ҳодиса тахминан эраминдан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирларига тўғри келади.

Хунларнинг тили ҳақида тарихий манбаларда хилма-хил фикрлар билдирилган. Чунки уларнинг тилида ёзилган бирорта ёдгорлик бизгача етиб келмаган. Хитой манбаларда бизгача етиб келган санокли хун сўзлари ҳам хитой транскрипциясида ифода этилган бўлиб фонетик жиҳатдан жуда ўзгартириб юборилган. Кастрен, Рамстедт каби баъзи тилшунослар хун тилини туркий ва мўғил тиллари учун умумий бобо тил бўлган, деган фикрни билдирдилар. А.Н.Баскаков хун тили туркий тиллар тараққиётида умумий бир даврни ташкил қилади, деган фикрни, В.В.Бартольд эса хун тили ҳозирги чуваш тили, ўлик тиллардан булғор, хазар тиллари билан бирга бир группани ташкил қилади, деган фикрни илгари суради.

Дарҳақиқат, Туркиядан то Япониягача тарқалган туркий тиллар таркибига ҳозир 31 тил, мдгул тиллари гуруҳида 17 тил, тунгус-манжур тиллари гуруҳида эса 14 тил ва шевалар мавжуд. Ёе.Д.Поливанов, Г.И.Рамстед олтой тиллари оиласига корейс ва япон тилларини ҳам киритадилар.

Олтой тилларидаги умумий лексик қатламнинг баъзи жиҳатларига тўғри келса-да, лекин туркий, мўғул ва тунгус-манжур тилларидаги айна бир хил грамматик параллелларга тўғри келмайди. Бу параллеллар мазкур тилларнинг генетик қариндошлиги билангина изоҳланиши мумкин. Олтой тилларининг қариндошлиги Б.Я.Владимирцев, Е.Д.Поливанов, Н.Н.Поппе, Г.Ж.Рамстед, В.И.Гиппиус, О.П.Суник ва бошқалар томонидан асосланган, Улар олтой тиллари оиласидаги ўхшашликлар азалдан бўлганлигини ва у генетик бирлик туфайли мавжуд эканлигини кўрсатадилар.

Олтой тилларидаги умумийликни типологик ўхшашлик сифатида изоҳловчи ва уларда қариндошлик йўқ деб ҳисобловчи олимлар ҳам бор. Олтойшуносликдаги бу йўналиш В.Л.Котвич, Л.Лигети, Ж.Клоусен, А.М.Шчербак, Г.Дёрфер, Г.Д.Санжеев кабиларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топди.

Шунга кўра туркий тилларнинг тарихи олтой тилларининг қадимдан бир тил бўлган-олтой давридан бошланади. Олтой бобо тили дастлаб тунгус-манжур ва турк-мўғил тилларига, турк-мўғул тили эса турк ва мўғул тилларига ажралган.

Юқорида айтиб ўтдикки, олтой даври туркий тиллар тараққиётининг энг қадимги давр бўлиб, бу даврда туркий тиллар мўғул, тунгус-манжур тилларидан айтарли ажратилмаган эди. Бу ҳақда Б.Я.Владимирцев шундай ёзади: «Мўғул, турк ва тунгус тиллари ўзининг умумий ўтмишдошига эгаки, бу тилни шартли равишида олтой тили деб аташ мумкин. Ҳозирги олтой тили маълум эмас, балки олтой тиллари, яъни мўғул, турк ва тунгус тиллари борки, улар ўша тилнинг тараққиёти натижасида пайдо бўлгандир».

Юқорида таъкидлаб ўтдикки, туркий тил оиласи тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар (Е.Д.Поливанов, Г.Рамстедт) туркий тилларни катта олтой тиллар оиласига

кирувчи гуруҳ деб ҳисоблаб, бу оилага тунгус-манҷур, мўғул, корейс ва япон тилларини ҳам киритишади. Бошқа олимлар (О.Бетлинг, Г.Винклер) урал-олтой тиллар оиласини ажратиб, унга юқорида қайд этилган тиллардан ташқари фин-угор тилларини ҳам киритишади. Туркий тиллар билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича туркий, мўғул, тунгус-манҷур тиллар орасидаги генетик қариндошлик узил-кесил тасдиқланмаган. Уларни бирлаштириши мумкин бўлган нарс-а-типологик ўхшашлик бўлиб, бу тиллар агглютинатив тиллар гуруҳига киради. Лекин бу қариндош деган маънони англатмайди. Шунинг учун ҳам кўп адабиётларда туркий тилларни алоҳида оила сифатида ажратилади. Туркий тиллар ўзаро яқин қариндош тиллар бўлиб, бу оилага кирувчи бирорта тилни ўзлаштирган киши шу оилага кирувчи бошқа тилни ҳам тушуна олиши мумкин. Ёқут ва чуваш тиллари бундан истиснодир, чунки улар кўпчилик туркий тиллардан анча узоқлашган.

Туркий қабилалар мўғул қабилаларидан ажралиб чиққач, улар ўзларининг Хуннлар империясини тузди. Бу империя эрамиздан олдинги 111 асрдан эрамизнинг 11 асригача ҳукмронлик қилган. Хуннлар империяси Марказий Осиёдан Шарқий Европагача бўлган катта территорияни эгаллаган. Унинг таркибига кўплаб турк, мўғул, тунгус-манҷур ва бошқа қабилалар кирар эди. Ўзаро урушлар натижасида Хунн империяси эрамиздан олдинги II аср охирида 2 қисмга бўлинади. Ғарбий Хунн ва Шарқий Хунн давлатларига ажралиб кетди. В.В.Бартольднинг таъкидлашича, Хунн империяси даврининг тил хусусиятларини акс эттирувчи ёзма ёдгорликлар йўқ. Шунинг учун ҳам ўша давр туркий тиллар характерини аниқ тасвирлаш қийин. Хитой ва Санскрит тиллари шарқда яшовчи туркий қабилалар тилига, қадимги ерон ва славян тиллари ғарбда яшовчи туркий қабилалар тилига кучли таъсир кўрсатган. Бу таъсир туркий тиллар лексикасида сезиларли из қолдирган.

Туркий, мўғул, тунгус-манҷур тиллари учун умумий бўлган қадимги лексик элементлар ҳозирги кунгача сақланиб келади. Масалан, олтой тилида тола (томон), мўғул тилида тола (водий), манҷур тилида тола (водий).

Ғарбий хунн ва Шарқий хуннларга бўлингач, *р*-л товушли тилларга *з*-с товушли тилларга ажралди. *Р*-л товушли тилларга қадимги булгор, хазар ва ҳозирги читвашларнинг авлодлари сўзлашган бўлса, *з*—*ш* товушли тилларда эса қадимги ўғуз, қирғиз, қипчоқ ва қарлуқларининг от-боболари гаплашган. Ҳатто, бу даврда *з*-ш товушли тилларнинг тфзлари ҳам бир-биридан узоқлаша бошлаган эди. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий ўғуз ва қипчоқ тилларини алоҳида гуруҳга, уйғур тилини бошқа гуруҳга киритиб, улар ўртасидаги фонетик фарқларни кўрсатиб берди. Масалан, ўғуз қипчоқ тилларида йилик сув дейилса, уйғурларда илиқ сув дейилган. Уйғурча бен бердим бирикмаси ўғуз қипчоқларда бен бердим тарзида қўлланилади. Бундан англаш мумкинки, хуннлар даврида ўғуз-қарлуқ- қипчоқ иттифоқи тили

бир гуруҳни ташкил қилиб, кейинчалик қарлуқ ва ўғуз кипчоқ гуруҳларига бўлиниб кетган. Бундан сўнг эса ўғуз ва кипчоқ гуруҳига бўлган. Умуман олганда, хуннлар даврида барча туркий тиллар бир-бирига яқин узоқлигига қараб, бир неча гуруҳни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам бу тилларда лексик-грамматик жиҳатдан ўзаро фарқлар бор. Улар қадимги туркий тилнинг шаклланиш ва тараққиётига замин тайёрлаганлар.

IX-X асрга келиб, туркий тиллар билан мўғул тиллари бир-биридан тамомила ажралиб кетди.

Бу даврда туркий тиллар мўғул ва тунгус — манжур тилларидан ажралган эмас эди. Туркий тилларнинг мўғул ва тунгус — манжур тиллар билан бирлиги олтой тиллар оиласини ташкил қилган. Бу даврга оид бирорта ёзма манба бизга қадар етиб келган эмас. Фақат унинг айрим хусусиятлари қиёсий — тарихий метод асосида реконструкция қилинади. Олтой тиллари дастлаб турк—мўғул ва тунгус — манжур каби икки гуруҳга ажралди. Кейинчалик эса турк ва мўғул тиллари ажралиб, мустақил тараққий йўлига ўтганлар.

Хун империяси эрамиздан аввалги III асрдан то эрамизнинг V асригача давом этди. Унинг территорияси Марказий ва Шарқий Осиёга жойлашган эди. У даврларда турк, мўғул, манжур, тунгус ва бошқа қабила ва қабилалар иттифоқдош бўлиб яшар эди. Эрамизнинг I асрида Хун империяси 2 қисмга: ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинди. Бизда Хун даврига оид ёзма манбалар йўқ ёки ҳозиргача номаълум. Фақат айрим сўзларнинг хитойча транскрипцияси, атоқли отлар ва титул номларигина мавжуд. Лекин ҳозирги туркий — мўғул, тунгус — манжур тилларида бир қатор умумий томонлар борки, булар ўша давр тилига, хун даври тилига хос хусусиятлардир. Масалан, ҳозирги олтой тилида буга-буқа, мўғул тилида буха, манжур тилида буху, ўзбек тилида буқа, олтой тилида тала (томон, чўл), мўғул тилида тала (водий), манжур тилида тала (чўл ва водий), олтой тилида қудук, мўғул тилида худаг, ўзбек тилида қудук, олтойча буланг, мўғулча булун, ўзбек тилида булунг (бурчак), олтой тилида двал, мўғул тилида жыл, ўзбек тилида йил, олтой қадун, мўғилча қатун, ўзбек тилида хотин, олтой тилида қара, мўғилча қара, ўзбек тилида қора ва б.

Турколог — лексиколог ва ўзбек тили лексикаси билан шуғулланган олимлар турли даврлар ёзма ёдгорликлари тили сўзларини лексик қатламларга бўлиб ўрганганлар. Илмий адабиётларда бу давр лексикаси ўз ва ўзлашган қатламга бўлиб тадқиқ этилган. Аммо қадимги туркий тил лексикасини фақат ўз қатлам асосида кузатиш мумкин. Негаки, V — X асрлар битигларда аксарият сўзлар олтой тиллари, жумладан, туркий тил, лексемаларидан иборат эканлигини кўрсатади. Ушбу қонуният луғавий қатлам тадқиқига бағишланган қатор ишларда ёритилган. Қадимги туркий тил лексикаси Урхун — Энасой ва уйғур ёзувлари битиглари

асосида кузатиладиган экан, соф қадимги туркий тил сўзларини турли соҳаларда фаол қўллангани кўринади.

Қадимги туркий тилнинг ўзлашган қатлам лексикасини А.Габен куйидагича бўлади. 1.Мўғулча сўзлар. 2.Хитойча сўзлар. 3.Қадимги форсча сўзлар. 4.Қадимги ҳиндча сўзлар. Габеннинг таъкидлашича, мўғулча сўзларни асл туркий сўзлардан фарқлаш жуда қийин. Шунинг учун у ўз асарида бунга мисол кўрсатмайди. А.Н.Кононов эса шу мисолларни мўғулча дейди: талуй (денгиз), эчу (ака). Ваҳоланки бу сўзлар Габенда биринчиси хитойча, иккинчиси туркча деб крсатилган. Бошқа мисоллар: алтун, кунчуй, Шантунг, лунг кабилар хитойча, азун, батур, қамуғ, қатун, шад, тигин, тарқан кабилар эроний тиллардан олинган, тўру (қонун), мақарач (махаража), архант (азиз) каби сўзлар санскритча ҳисобланади.

Иккинчи боб. Олтой тилларида мутаносиблик.

2.1.Олтойшуносликка оид тадқиқотлар

Урал-олтой тиллари назариясининг асосчиси швед офицери Ф.И.Табберт-Страленберг бўлган. У узоқ муддат Сибирда асирликда яшаб, маҳаллий халқнинг ҳаёти ва тилини ўрганган. Ф.И.Страленберг (1730) тўплаган фактик материаллари асосида урал (угор-фин, самодий) ва олтой (туркий, мўғул, тунгус-манжур) тилларининг таснифини берган, уларнинг ўхшаш томонлари ва қариндошлиги масаласига эътибор қаратган дастлабки олим эди¹. Кейинчалик урал-олтой тиллари назарияси урал ва олтой тиллари соҳасида изланишлар олиб борган қатор тадқиқотчилар томонидан атрофлича ривожлантирилди.

Урал-олтой тиллари назариясининг вакиллари кўпроқ олтой ва урал тиллари структурасининг типологик ўхшаш-лигига, шунингдек, грамматика ва лексикадаги қатор материалларнинг бир хиллигига асосланишди. Урал-олтой тилларининг кенг қўламли лексикаси О.Соважонинг диссертациясида тадқиқ этилди. Унда фин-угор ва олтой тилла-ридаги 214 та муштарак сўз бирлаштирилиб, айрим товуш-ларнинг тарихий тараққиёти кўрсатиб берилди². Олтой тиллари доирасидаги тадқиқотлар Е.Д.Поли-ванов ҳамда Г.И.Рамстедтлар томонидан давом эттирилиб, мазкур тил оиласига корейс ва япон тиллари ҳам киритилди. Хусусан, Е.Д.Поливанов корейс тилини нафақат фонетик, балки морфологик жиҳатдан ҳам олтой тилларига тенг-лаштиришга уринган дастлабки олим эди³. Е.Д.Поливановдан бир йил кейин Г.И.Рамстедт корейс тилини бошқа олтой тилларига алоқадор қилган "Remarks on the Korean Language" номли мақола эълон қилиб, унда олтой тилла-ридан мўғул ва туркий тилларнинг, корейс тили билан эса тунгус тилининг яқин эканини илгари сурди. Кейинчалик Берлин

¹ Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и ее изучение. - М.: Наука, 1981. -С. 29-30.

² Sauvageot A. Recherches sur la vocabulaire des langues ouralo –altaïques. Collection linguistique.- Paris, 1930.

³ Поливанов Е.Д. К вопросу о родственных отношениях корейского и "алтайских языков"/Изд-во АН СССР.-М., 1927. Сер. 6 - №15-С. 1195-1204.

Фанлар Академиясида ўқиган "Über Die Stellung des Koreanische" номли маърузасида юқоридаги фикрини ўзгартириб, мўғул тилининг туркий тиллар билан бирга тунгус тилларига ҳам яқинлигини, корейс тилининг тунгус тилларига яқин бўлиш билан бирга бошқа тарафдан туркий тилларга ҳам яқинлигини таъкидлаган. Г.И.Рамстеднинг шогирди Н.Н.Поппе мўғул тили билан тунгус-манжур тиллари орасида корейс тилига нисбатан кўпроқ яқинлик мавжудлигини қайд қилиб, чуваш-турк-мўғул-тунгус-манжур тиллари оиласини таклиф қилган.

Бошқа бир томондан олтой тиллари назариясининг муҳолифлари ҳисобланган Ж.Клосон, Г.Дёрфер, А.М.Шчербаклар туркий, мўғул, тунгус-манжур тиллари орасидаги баъзи умумфонетик қоидаларни эътироф этишгани ҳолда, бу тиллардаги муштарак сўзларнинг аксариятини ўзлашмалар деб изоҳлашган. Олтой тилларининг қариндошлиги Ж.Жанхунен (1992) ва А.Вовин (2005) каби тадқиқотчилар тарафидан ҳам инкор этиб келинмоқда. Айрим олимлар корейс ва япон тилларини олтой тил бирлигига киритишга қарши чиқадилад. Шунга қарамай, Р.А.Миллер тарафидан илгари сурилган япон тилининг ОЛТОЙ тилларига қариндошлиги ғояси С.А.Старостиннинг монографик тадқиқотида узил-кесил исботини топди.

Олтой тиллари доирасида кенг миқёсда қиёсий-тарихий тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, фонетика соҳаси атрофлича ўрганилди. Хусусан, Г.И.Рамстед, З.Гомбоц, П.Пеллио, А.Соважо, В.Я.Владимирцов, Н.Н.Поппе каби тилшуносларнинг тадқиқотларида олтой тилларининг фонетик структураси шакллантирилиб, унли ва ундош товушларнинг тавсифи берилди. Кейинчалик В.И.Цинциус, Д.Санжеев, П. Аалто, В.М.Иллич-Свитич, Т.Текин, У.Байчура, Х.У.Че, Е.А.Хелимский, С.А.Старостин, А.В.Дибо сингари тадқиқотчилар тарафидан олтой тилларининг унли товушлари лабиал ва палатал, ундош товушлари лабиал, дентал, апикал, палатал, латерал, гупурал ва инициал товушларга таснифланиб, прото-олтой тилининг товушлар системаси реконструкция қилинди.

Қатор тадқиқотлар олтой тилларининг қиёсий-тарихий морфологиясини ўрганишга бағишланди. Олтой тилларининг биринчи қиёсий-тарихий грамматикаси немис тилшуноси В.Шотт томонидан ёзилди. Олтой тилларидаги сонлар Б.Лауфер, В.Шотт, Г.И.Рамстед, Б.Мункаси, Ф.Краелиц, В.Котвич, олмошлар А.Боллер, Ф.Муллер, В.Котвич, келишиклар В.Банг, Б.Лауфер, Д.Шинор, Н.Н.Поппе томонидан ўрганилди.

Олтойшуносликда кейинги йилларда амалга оширилган йирик монографик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этди. Г.И.Рамстеднинг "Введение в алтайское языкознание" номли фундаментал асари олтой тиллари қиёсий грамматикасининг синтетик тадқиқига бағишланди¹. В.Котвичининг "Исследование алтайских языков" номли типологик тадқиқотида туркий, мўғул

¹ Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. Морфология. - М.: Изд. Иностранной литературы, 1957.

ва тунгус-манжур тилларининг морфология ва синтаксисдаги ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлар қайд қилиниб, ушбу тилларнинг умумий ривожланиш жараёнлари кўрсатиб берилди¹. О.П.Суникнинг таҳрири остидаги "Очерки сравнительной морфологии алтайских языков" номли китобда олтой тилларининг қиёсий морфологиясига бағишланган қатор мақолалар нашр қилинди². Н.А.Баскаковнинг "Алтайская семья языков и её изучение" асарида олтой тилларининг таснифи, олтойшуносликдаги йўналишлар билан бирга, олтой тилларининг яқинлиги ва қариндошлигини исботловчи морфологик материаллар келтирилган³. Х.У.Ченинг диссертациясида олтой тилларининг морфологияси қиёсий-тарихий планда ўрганилди.

Олтой тилларининг қиёсий-тарихий лексикология соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар В.Шотт, И.Грунцел, Е.Калливулис ва В.И.Цинцус⁴ тарафидан амалга оширилди. Олтой тилларининг қиёсий лексикологияси ва этимологияси соҳасидаги асосий фундаментал тадқиқот Г.И.Рамстедтнинг асарида ўз аксини топди. Сўнгги йилларда олтой тилларининг лексикасига бағишланган лексик-тематик гуруҳлар бўйича алоҳида тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, қариндошлик терминлари В.И.Цинцус, Ш.Р.Усманова⁵, соматик терминлари В.Д.Колесникова⁶, Ш.Р.Усманова, унвон номлари Х.У.Че⁷, ҳайвон ва қушларнинг номлари К.А.Новикова Э.Ф.Ишбердин, Г.Е.Корнилов⁸, ўсимлик номлари А.В.Дибо⁹, металл номлари В.И.Цинцус, Т.Г.Бугаеваларнинг¹⁰ мақолаларида ўрганилди. А.В.Дибонинг "Семантическая реконструкция в алтайской этимологии. Соматические термины (Плечевой пояс)" номли монографиясида олтой тилларининг семантик реконструкция методи соматик лексемалар мисолида ишлаб чиқилди¹¹.

¹ Котвич В. Исследование по алтайским языкам. - М.: Изд-во иностр. лит., 1962.

² Суник О.П. (ред.) Очерки сравнительной морфологии алтайских языков. -Л.: Наука, 1978.

³ Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и её изучение. - М: Наука, 1981.

⁴ Цинцус В.И. К сравнительному изучению основного словарного фонда тунгусо-манчжурских языков // Уч.зап. ЛГПИ. - Ленинград, 1954. - № 101; Цинцус В.И. Вопросы сравнительной лексикологии алтайских языков // Проблема общности алтайских языков. - Л.: Наука, 1971. - С. 77-89; Цинцус В.И. (ред.) Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. - Л.: Наука, 1972.

⁵ Цинцус В.И. Алтайские термины родства и проблема их этимологии// Проблема общности алтайских языков. - Л.: Наука, 1971. - С. 139-151.

⁶ Колесникова В.Д. О названиях частей тела в алтайских языках // Проблема общности алтайских языков. - Л.: Наука, 1971. - С. 139-151.

⁷ Choi Han Woo. Notes on some Ancient Korean titles // Central Asiatic Journal. Wiesbaden, 1991. -№ 35-2; Че Хан У. О значении титулов правителей в древнекорейском королевстве Пэкче// http://world.lib.ru/kim_o_i/pet3rtf.shtml.

⁸ Новикова К.А. К истории и этимологии названий лошади в алтайских языках // Проблемы алтаистики и монголоведения. Вып. 2, серия лингвистики. -Москва, 1975. - С. 36-58; Ишбердин Э.Ф. Некоторые названия животных и птиц в башкирском и монгольском языках; Корнилов Г.Е. Алтайские параллели к чувашским названиям оленя, верблюда и слона // Проблема общности алтайских языков. - Л.: Наука, 1971. - С. 204- 207; 208- 214.

⁹ Dybo A. Bazi Otsu Bitki Adlanm Arketipleri ve Altayca Kb'kleri // VI. I Unslararasi Tilrk Dili Kurultayi Bildirileri. - Ankara, 2008.

¹⁰ Цинцус В.И., Бугаева Т.Г. К этимологии названий металлов и их сплавов в алтайских языках // Исследования в области этимологии алтайских языков. -И: Наука, 1979. -С. 18-53.

¹¹ Дыбо А.В. Семантическая реконструкция в алтайской этимологии. Соматические термины (Плечевой пояс). - М.: Языки русской культуры, 1996.

С.А.Старостининг "Алтайская проблема и происхождение японского языка" номли монографиясида олтой тилларидаги 114 та таянч лексема тадқиқ қилиниб, шулардан 81 тасининг умумолтойча ўзакдан келиб чиққанлиги исботланди ва япон тилининг олтой тиллари оиласига киритиш масаласи узил-кесил ҳал қилинди¹. С.А.Старостин, А.В.Дибо ва О.А.Мудракларнинг салкам йигирма йиллик машаққатли меҳнатларининг маҳсули бўлган олтой тилларининг 3 жилдлик улкан этимологик луғатининг нашр қилиниши олтойшуносликда катта бурилиш ясади². Қиёсий-тарихий ва реконструкция методига асосланган мазкур луғатда олтой тилларидаги 2800 та лексеманинг этимологик таҳлили берилди.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, туркий тилларда турли мавзуларга бағишланган, чунончи, маиший лексика мавзусида ҳам тавсифий, қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик характердаги тадқиқотлар юзага кела бошлади. Хусусан, ўзбек тилидаги касб-хунар лексикаси биринчи бўлиб С.Иброҳимовнинг "Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси" асарида ўрганилди. Ушбу асарда касб-кор тармоқларига оид лексемаларнинг лексик-семантик хусусиятлари, этимологиялари, семантикасидаги силжишлари, грамматик тузилишлари ва шева хусусиятларининг таъсири масалалари ёритилди³. Ўзбек тилининг чеварчилик лексикаси лексикаси Т.Дадахонова томонидан тадқиқотга тортилди⁴. Т.Турсунованинг "Ўзбек тили амалий санъат лексикаси" номли тадқиқотида ўзбек профессионал лексикасининг узвий қисми бўлган амалий санъат лексикаси ўрганилди. Ишда амалий санъатнинг икки тармоғи - гиламчилик ва чеварчилик лексикасининг лексик-семантик хусусиятлари, уларнинг пайдо бўлиш манбалари ва лексик-грамматик табиати таҳдил этилди⁵. М.Асомиддинованинг "Кийим "Кийим кечак номлари" монографиясида ўзбек тилининг профессионал лексик қатламларидан бири - кийим-кечак номлари нолингвистик планда қадимий ёзма манбаларга солиш-тирилган ҳолда текширилди. Шунингдек, ушбу монографияда ўзбек тилидаги кийим-кечак номларининг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари ёритилди⁶. Ўзбек тилининг маиший лексикаси алоҳида тадқиқот сифатида М.Х.Ғафурованинг "Бытовая лексика современного узбекского языка" номли илмий ишида ўрганилди. Тадқиқотда ўзбек тилининг маиший лексикаси илк бор "ошхона буюмлари номлари", "кўрпа-тўшак номлари", "гигиенага оид буюмлар номлари", "уй-жиҳозлари номлари", "уй-жой қурилиши номлари", "ёритиш

¹ Старостин С.А. Алтайская проблема и происхождение японского языка. -М.:Наука,1991.

² Starostin S., Dybo A. and Mudrak O. Etymological Dictionary of the Altaic Languages. I-II. - Leiden-Boston: Brill, 2003.

³ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. - Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956.

⁴ Дадахонова Т. Ўзбек тилида чеварчилик лексикаси. - Тошкент: Фан, 1963.

⁵ Турсунова Т. Ўзбек тили амалий-санъат лексикаси. - Тошкент: Фан,1978.

⁶ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. - Тошкент: Фан, 1981.

ускуналари номлари", "иситиш ва совутиш қурилмалари номлари", "алоқа ва хабар анжомлари номлари" ҳамда "ҳўжалик асбоблари номлари" сингари лексик-семантик гуруҳларга таснифланиб таҳлил қилинган. Шунингдек, монографияда ўзбек тили маиший лексикасининг ўз қатлам ўзлашган қатлам сўзлари белгиланиб, уларнинг грамматик тузилиши текширилган¹.

Туркий тиллар қиёсига бағишланган қатор ишларда ҳам маиший лексика тадқиқ қилинди. Жумладан, Э.Р.Тенишевнинг таҳрири остида нашр қилинган "Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси: Лексика" номли монографиясининг катта қисмида туркий тиллар маиший лексикасининг қиёсий-тарихий ва этимологик таҳлили берилган². И.Исмоилов, К. Мелиев, М. Сапаровлар томонидан нашр этилган "Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот" монографиясининг биринчи боби туркий тиллардаги уй-рўзғор буюмлари лексикасининг қиёсий-тарихий тадқиқига бағишланган. Мазкур бобда Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тилларда уй-рўзғор буюмлари лексикасининг шаклланиши, тараққиёти, ясалиши, келиб чиқиши, аталиш усуллари каби қатор лисоний жиҳатлар атрофлича ёритилган³. Ю.А.Шибаяевнинг "Одежда хакасов" монографиясида хакас тилидаги кийим-кечак номлари шор, тува ва қирғиз тилларига қиёсан лингвистик ва экстралингвистик омиллар нуқтаи назаридан тадқиқ этилган⁴. И.М.Отаровнинг "Профессиональная лексика карачаево-балкарского языка" номзодлик диссертациясида қорачой-балқор тилидаги кийим-кечак ва оёқ кийим номлари таҳлил этилди⁵. Г.Каранфилнинг Г.Каранфилнинг "Бытовая лексика гагаузского языка" номли илмий ишида гагауз тилининг маиший лексикаси, хусусан, кийим-кечак, оёқ кийими, мато ва безак буюмларининг номлари бошқа туркий тилларга қиёсланиб ўрганилди. Тадқиқотда гагауз тилининг маиший лексикаси тарихий, структур-семантик жиҳатдан текширилди. Шунингдек, гагауз тилидаги кийим-кечак номлари лексик-семантик, этимологик ва хронологик нуқтаи назардан таҳлил этилиб, ўз қатлам, ўзлашган қатлам архаизм ва неологизмлар аниқланди⁶. Г.Б.Матвеевнинг "Материальная культура чувашей" монографиясида чуваш тилининг уй-жой қурилиши, уй жиҳозлари, кийим-кечак ва озиқ-овқати билан боғлиқ лексикаси тадқиқотга тортилган⁷. А.А.Джемилев томонидан эълон қилинган "Бытовая лексика крымско-татарского языка в сравнительном освещении" номли мақолада қримтатар тилидаги ошхона буюмларини

¹ Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка. - Ташкент, 1991.

² Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков: Лексика / Э.Р.Тенишев, Г.Ф.Благова и др.; Отв. ред. Э.Р.Тенишева. - М: Наука, 1997.

³ Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. - Тошкент: Фан, 1990.

⁴ Шибаяева Ю.А. Одежда хакасов. - Сталинабад: Таджикский Государственный университет, 1959.

⁵ Отаров И.М. Профессиональная лексика карачаево-балкарского языка (на материале названий одежды и обуви). Автореф. дис... канд. филол. наук. / Баку, 1974.

⁶ Каранфил Г. Бытовая лексика гагаузского языка (на основе названий одежды и обуви) // интернетдан

⁷ Матвеев Г.Б. Материальная культура чувашей. Часть вторая. - Чебоксары: Чувашский Гос. инс. гум. наук, 1994.

ифодаловчи лексемалар ўғуз гуруҳидаги туркий тилларнинг материаллари билан чоғиштирилди¹.

Қайд қилинганлар билан бирга, бошқа олтой тиллари манбаида ҳам айрим тадқиқотлар амалга оширилди. Тунгус-манжур тилларида уй-жой қурилиши билан боғлиқ лексика юзасидан О.А.Константинова туркум мақолалар chop қилиб, уларда турар жой, бошпана ҳамда ўчоқ номлари туркий ва муғулий тилларга қиёсан ўрганди². А.А.Данилованинг "Бытовая лексика эвенского языка" монографияси эвен тилининг маиший лексикасини ўрганишга бағишланди. Ишда уй-жой қурилиши билан боғлиқ лексика, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, оёқ кийими, тақинчоқ ва безак, шунингдек, хўжалик буюмлари номлари лексик-семантик ва структур-морфологик томондан ёритилган³. С.Сыдыковнинг "Монгольско-тюркские языковые параллели" монографиясида туркий ва муғулий тиллардаги лексик, фонетик ва морфологик параллеллар таҳлил қилиниши билан бирга, уй-жой қурилиши, уй-жой, хўжалик буюмлари ва озиқ-овқат номларини ифодаловчи лексемаларнинг таҳлилига ҳам эътибор қаратилган⁴. Шунингдек, муғул тилида уй ва ўтов жиҳозлари номларининг шаклланиши, тараққиёти, ясалиши ва келиб чиқиши каби лисоний жиҳатлар С.С.Харькова томонидан эълон қилинган қатор мақолаларда тадқиқ этилган⁵.

Бироқ олтой тилларининг маиший лексикаси қиёсий-тарихий планда махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, олтой тиллари маиший лексикасининг умумий тавсифи ва таснифи амалга оширилмаган. Маиший лексика лексик-семантик, тарихий-этимологик ва грамматик нуқтаи назардан тадқиқ қилилмаган, ундаги ўз қатлам ва ўзлашган қатлам аниқланмаган. Шулар эътиборга олиниб, мазкур ишда олтой тилларидаги муштарак маиший лексика қиёсий-тарихий, этимологик ва семантик реконструкция йўналишида лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Олтойшуносликдаги айрим натижаларни кўриб ўтсак:

Олтой тилларининг унли товушлари

Анъанавий олтойшуносликка оид тадқиқотларда таъкидланишича, олтой тилларида доимий, бир хил унли товушлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг сони саккизта, деб белгиланган. Унлилар икки физиологик омил: танглай (палатал) ва лаб (лабиал)

¹ Джемилов А.А. Бытовая лексика крымскотатарского языка в сравнительном освещении (на материале названий предметов кухонно-столовой принадлежности) // интернетдан

² Константинова О. А. К характеристике лексического комплекса "очаг - народ" в тунгусо-маньчжурских, монгольских и тюркских языках // Проблема общности алтайских языков. - Л.: Наука, 1971. - С. 164-175; Константинова О. А. Тунгусо-маньчжурская лексика, связанная с жилищем // Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. - Л.: Наука, 1972. - С.224-256.

³ Данилова А.А. Бытовая лексика эвенского языка. - Якутск: Якутский научный центр СОРАН, 1991.

⁴ Сыдыков С. Монгольско-тюркские языковые параллели. - Фрунзе: Илим, 1983.

⁵ Харьков С.С. К этимологии наименований предметов мебели в юрте; Харьков С.С. К этимологии наименований убранства дома // интернетдан.

ассимиляциясига кўра аниқланади. Биринчиси, алоҳида сўздаги барча унлиларнинг ё орқа қаторда, ё олд қаторда бўлишини; иккинчиси алоҳида сўзлардаги барча унлиларнинг лабланган ёки лабланмаган бўлишини талаб қилади. Шунингдек, унлилар қисқа ёки узунлигига кўра ҳам қарама-қарши қўйилади.

Анъанавий олтойшуносликда унли товушларнинг артикуляцион ўрнига кўра таснифи

	Орқа қатор		Олд қатор	
	лабланма ган	лабланган	лабланма ган	лабланган
Кенг	a	o	a(e)	o
Тор	i	U	i	u

С.А.Старостин, А.В.Дибо ва О.А.Мудраклар томонидан амалга оширилган олтой тиллари унли товушларининг реконструкциясида бешта унли: *i, *e, *u, *o, *a ва биринчи бўғинда келадиган учта дифтонг *iu, *io, *ia қайта тикланди. Шунингдек, ушбу дифтонгларнинг *u, *o, *a унлиларига мос келиши ҳам қайд қилинган. Дифтонглар муайян ҳолатларда *a, *o, *и унлиларига мос келади.

Масалан, прото-олтой тилидаги *a...o унлиси прото-мўғул тилида *a, прото-тунгус-манжур тилида *a, прото-корейс тилида *a, прото-япон тилида *a унлисини ифодалар экан, прото-туркий тилда *ja дифтонгини беради: *iaŋqu* "смғирпўта", "пўстин" < *jaŋ*- < **jaŋ*- "ёғмок"; мўғ. ёзма ёд. *agadar* "жала, тааррос ёмғир"; тунгус-манжур тилларида *aga* "ёмғир"; корейс тилида *akta* "жала, шаррос ёмғир"; япон тилида *aki* "куз".

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, тунгус-манжур тилларидаги унлилар тизими бошқа олтой тилларига нисбатан яхши сақланиб қолганлиги билан ажралиб туради.

Олтой тилларининг ундош товушлари

Олтой тиллари қиёсий фонетикасида ундош товушлар ассимиляциясининг умумий қонунияти; жарангли ундош товушларнинг сўз ўзагида барқарор бўлиши; сўзларнинг бир ундош билан бошланиши (бироқ ҳозирги корейс тилида сўз бошида қўш ундош келишини ҳам таъкидлаш жоиз) каби умумий жиҳатлар билан характерланади.

Олтой тиллари маиший лексикасини тадқиқ қилиш натижалари ҳақиқатан прото-туркий тилда *B жарангли ундошининг мавжудлигини ва унинг прото-олтой тилида *B товушидан

ривожланганини кўрсатди. Қиёланг: турки тилларда **Bod* "тахт", тунгус-манжур тилларида **Bedu*- "кичкина стол".

Туркий тиллардаги *B* жарангли ундошининг анлаут бурун товушига айланиши ҳам кузатилади

Синтактик усул билан ясалган лексемалар

Бир сўзнинг таркибида икки ўзакнинг келиши олтой тиллари учун ҳам ёт ҳодиса эмас. Қўшма сузлар таркибидаги туркумлар нуқтаи назаридан *om + om* ва *феъл + om* типларига ажралади.

Om + om типдаги сўзлар туркий ва корейс тилларида кўп тарқалганлиги билан характерланади. Туркий тилларда: *bilaguzuk* "билакка тақиладиган зийнат буюми" < *bilak + uzuk*; *enteri* "теридан тайёрланган кийим" < *en* < **engin* "гавданинг елкадан пастга томон бошланувчи қисми"; "кийим" + **teri* "тери"; *elteri* "тўшама, буғунинг териси" < *el* < *elik* "буғунинг бир тури" + *teri* "тери"; *kandik* "катта сопол идиш" < *kendtik* < *kentiik* < *kiintilk* < *kun* "чуқур, ўйик" + *dik* < *diik* < *tiikll tok* "сопол идиш"; *kuntak II kontak* "сават" < *kunll kon* "чуқур, ўйик" + *tak* "идиш"; *sacajak* "уч оёқли ўчоқ" < *sac* "темир лавҳа" + *ajak* "оёқ"; *qumyan* "қумғон" < *qumya+n* < *qumya* < *kumya* < *kumbaya* < *kumbar(a)* < *kumi* "ковак, чуқурча, тешик" + *ʔag(a)* "сопол идиш".

Корейс тилида: *cdt-karak* [сэя-кагак] < сэ "овқатни илиб ейиш учун қўлланиладиган иккита узун таёқча" + *-s*-боғловчи товуш + *кагак* "таёқча"; *kitot* "шомонларнинг қуш патидан қилинган кўйлаги" < *kit* "қуш пати" + *ot* "кийим"; *carjsin* "чарм пойабзал" < *can* "тагчарм" + *sin* "пойабзал"; *kun-toko* "сават" < *kun* "чуқур, ўйик" + *toko* < *tok* "идиш"; *sokhuri* "бамбук ёки леспедеса новдаларидан тукилган сават" < *sok* < *sak* "новда" + *kun* "сават"; *sutkarak* "қошиқ" < *sut* < *sul* "ичкилик" + *кагак* "таёқча".

Феъл + om типдаги сузлар: *asi'rya* "зирак, сирға" < *assirya* < *as-* "осмоқ" + *sirya*; *kapot* "устки кийим" < *kap-* "қопламоқ", "ўрамоқ" + *of* "кийим" [*<ostll ust*]; *ocaq* "ўчоқ" < *o:t-* "ёнмоқ" + *cad* "жой"; *tutturuk* "ўт олдириш учун қўлланиладиган майда тараша, пайраҳа" < *tiit-* "тутамоқ" + *гик* "толнинг шох-шаббаси".

2.2. Маиший лексикада олтой даврининг акс этиши

Ижтимоий жамиятда меҳнат қуроллари яратиб, улар билан доимо муносабатда бўлган ҳамда турли моддий неъматлар - ҳар хил тўйимли ва сифатли овқатлар яратишни ўрганган инсон, дастлаб уларни тайёрлайдиган махсус мосламаларни, турли асбоб-ускуналарни ҳам ижод қилган. Мазкур асбоб-ускуналарни "минг бир тур" махсус номлар, терминлар билан бири-биридан фарқлаган. Олтой тилларида бундай хилма-хил номларни ифодаловчи сўзларни

қиёсий тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқишини аниқлаш ҳамда "бобо тил" шакллари қайта тиклаш тил гариққетининг турли даврларида кечган характерли лисоний жараёнлар, ўзгаришлар ва йўқотишларни очиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, олтой халқларининг милoddан аввалги минг йилликлардаги маиший ҳаётини ёритиб бериш, аجدодларимизнинг палеомаданияти ҳақида озми-кўпми, тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Олтой тиллари маиший лексикасининг катта қатламини ошхонага оид буюмларни ифодаловчи сўзлар ташкил қилади. Уларни тубандаги лексик-семантик гуруҳларга тақсимлаб таҳлил этиши ўзини оқлайди.

- 1.1. Ўт ёқиш ва иситиш қурилмаларини ифодаловчи лексемалар
- 1.2. Оловни қориштириш учун ишлатиладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар
- 1.3. Овқат пиширишга мўлжалланган идишларни ифодаловчи лексемалар
- 1.4. Чой қайнатишга мўлжалланган идишларни ифодаловчи лексемалар
- 1.5. Катта ҳажмли идишларни ифодаловчи лексемалар
- 1.6. Кичик ҳажмли идишларни ифодаловчи лексемалар
- 1.7. Овқатни сузиб олиш ва ейишга мўлжалланган буюмларни ифодаловчи лексемалар
- 1.8. Дон маҳсулотларини янчишга мўлжалланган буюмларни ифодаловчи лексемалар
- 1.9. Тери ва матодан тайёрланган идиш номларини ифодаловчи лексемалар.

Биз улардан айримларини қисқача кўриб ўтамыз.

Ўт ёқиш ва иситиш қурилмаларини ифодаловчи лексемалар

Одатда олтой халқлари яшаган ҳудудларнинг иклими совуқ бўлган. Шунинг учун ҳам олтой халқлари маиший ҳаётида ўт ёқиш ва иситиш қурилмаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бинобарин, олтой қабилалари ўт ёқиладиган чуқур ва ўчоқларни муқаддас ҳисоблаганлар. Ўт ёқиладиган чуқур ва ўчоқлар олтойликлар учун дастлабки бошпана вазифасини ўтаган. Шу боисдан ўчоқ сўзи "турар жой, уй", "оила", "сулола" маъноларини ҳам касб этган.

ОСАК - қозон ўрнатиб, ўт ёқишга мўлжалланган махсус қурилма, уй рўзғор буюми. Қадимги туркий тилда *осак*, тур. *ојак*; қтат., қорач., қболқ., болқ., нўғ., ўзб. шев. очак; озарб. *ојак*, гаг. *ојэкq*; тур. шев. *ојах*, ққал., қўм., ўзб. шев., уйғ. шев. *осақ*, ўзб. *осақ*, тур. шев., қар. *осак*; ўзб. шев., уйғ. шев. *осау*; қирғ., ўзб. шев., олт. *осоқ*, қоз., ққал., нўғ. *озақ*, ққал., тат. *исақ*, уйғ. шев. *исау*, қар. *осак*, *ойгак*, ёқ. *озох*, бошқ. шаклларида мавжуд.

Осак сўзи туркий тилларда қуйидаги маъноларни англатади: 1. "ҳар қандай ўт ёқиладиган жой"; 2. "ўт, олов"; 3. мўри; 4. "чуқур"; 5. "турар жой, уй"; 6. "ўртасида ўчоқ бор бино"; 7. "оила"; 8. "сулола" (ЭСТЯ 1, 422-423).

Осак лексемасининг семантик кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, турк тилида "кўчат ўтқазиш учун очилган чукур" , "интизомли аскарлар гуруҳи", "маълум бир мақсадда тўпланадиган жой", "турли ичимликлар сотиладиган айрим касалликларни тузата олишига ишониладиган" , ўзб. "хона ўртасида ўт ёқишга ва атрофида ўтириб исинишга мўлжалланган чукур", "турадиган ер", ўзб. шев. (*усак*) "том", озарб. ншилар жамияти" (ЭСТЯ 1, 423) каби маъноларда ҳам ишлатилади.

Тарихий-этнографик тадқиқотларнинг бирида *осак* шундай қайдни учратиш мумкин: "Ўчоқ кенг жой бўлиб, у оила, уруғ, қабилани билдиради. Кейинчалик унинг маъноси янада кенгайиб, ерга эгалик, хусусий мулкнинг рамзи маъносини касб этган. Шунингдек, Шарафхон Бидлисий Эрон шоҳлари томонидан қабилалар бошлиқларига мерос қилиб берилган мулкларни баъзан туркий термин билан "оджак" деб атайди" .

Таҳлилга тортилган *осак* сўзининг этимологияси ҳақида турли қарашлар мавжуд. В.Г.Егоров чуваш тилида ўчоқ маъносини англатган *усах* сўзини *yut (ŷm)* ва *-сах*(кичрайтириш қўшимчаси)дан ташкил топган, баъзи тилларда эса *-t* товуши тушиб қолган деган фикрни илгари суради . К.Дмитрев ҳам "огонь"дан келиб чиққан деб кўрсатади . Ш.Раҳматуллаев *ўчоқ* сўзини асли *о:т* "олов" сўзига пишириш маъносини ифодаловчи *-чук* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган, шунга кўра, дастлаб "кичик олов" маъносини англатган "олов ёқиладиган қурилма маъноси кейин пайдо бўлган, деган фикрни айтади. Шунингдек, ўчоқ: *о:јак* ўрин, жой ва ҳаракат маъносини ифодалаган аффиксдан таркиб топган деган морфо-семантик жиҳатдан анчайин асосли бўлган этимология С.Брокельман ва Э.В.Севортянлар томонидан тақлиф қилинган. Л.С.Левитская туркий тиллардаги *осад* сўзининг прото-шаклини **ко:сад* < **ко:{* "ўт" + *-сад*) кўринишида тақдим этган. Туркий, тунгус-манжур ва мўғул тилларида *ўчоқ* сўзини атрофлича тадқиқ қилган О.А.Константинова тубандаги фикрни баён қилади: "Қадимги туркий тилда *о:* (<*о:* "огонь"+чук) "ўчоқ"; қиёсланг: мўғул тилида *осоу* (< *о:* "огонь"+соу) "ўчоқ"; туркий тилларда *осад* (< *о(1)* "огонь"+*-јад -сад*) "ўчоқ". Туркий ва тунгус тилларидаги *-йад II -сад* қўшимчалари феълнинг ўзагига бирикиб ҳаракат жойи ва ҳаракат номи маъноларини билдиради: *хауаад* "ишлайдиган жой", "иш" < *хауа:-* "ишламоқ" + *-Зад*. Барабин татарлари тилида "жой" маъносини англатган юмшоқ қаторли *сак* қаттиқ қаторли *о:* "огонь" сўзига бирикиб: *о:* "огонь" + сак "место" > *о:зад* ~ *о:сад* ~ *осад*, яъни "ўт ёнадиган жой"ни ҳосил қилган бўлиши мумкин". Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, *осак* сўзининг этимологиясини қуйидагича белгилаш мумкин: *осад* < *осак* < *уусак* < (*и:сак*) *усак* < *у:-* < **р:-*"ёқмоқ" + *сад* (*сау:1* }ад: *аак*) < *сак* "жой", яъни ўчоқ "ўт жойи".

Мухтасар қилиб айтганда, *осак* умумолтойча сўз бўлиб, унинг олтой давридан то шу кунимизгача бўлган тараққиёт силсиласини қуйидагича белгилаш мумкин: *оса*^ < *осак* < *уисак* < (-*сак*) *у-сак* < *у-* < **ру*(- "ёқмоқ" < **р*^*о*:**ё* "ёқмоқ", "қуйдирмоқ" + *са*^ (*сау*// *јақ*// *шк*) < *сак* **с*^*ак* "жой".

КЕМЕКЕ - овқат пишириш, ўт ёқиш учун ерни ўйиб тайёрланган ўчоқ ёки қозон қўядиган ўйиғи бўлган печка. Туркий тилларда, хусусан, чув. *катака*, тел., олт., леб. *катақа*, кирғ. *кетага*, ойр. *кетеге*, хак. *китеге*, шор. *кееге* фонетик вариантларда мавжуд.

Эски корейс тилида *ката*, ҳозирги замон корейс тилида *ката*, унинг Хамкёнг шевасида *кате* "қозон", "печка, ўчоқ", "қоп", "тахтиравон" маъноларида учрайди. Шунини таъкидлаш жоизки, "соёбонли арава", "болаларнинг соёбонли аравачаси", "каре́та" маъноларида чув. *кй́те*, *китте*, тат., бошқ. *кəjта* лексемалари ҳам кузатилади. Қадимги япон тилида *ката*, эски япон тилида *ката*, Токио диал. *ката*, Киото диал. *ката*, Кагошима диал. *ката* "печка, ўчоқ" маъносини ифодалайди.

"Этимологический словарь тюркских языков" номли луғатда **кете* II **кə́те* II **ките* ўзакларида "ўт ёқиладиган чуқур" маъносининг мавжудлиги қайд қилинган.

"ўчоқ", "ўт ёқиладиган жой", *kolomo*, *gloom* "турур жой" маъноларини билдиради. Ушбу сўз мўғул тилида қуйидагича учрайди: мўғ. ёзма ёд. *yomta* "чодирнинг ўчоғи", "ўчоқ", эск. мўғ. *Yu:umtan* (МА 179), халх. *goloml*, бур. *gulamui*, қалм. *yulm*(, *yolmlə*, орд. *gulumta*, шир. уйғ. *golomï* "ўчоқ". Қайд қилинган *golumta* сўзи < **golu*- "тутамоқ" ва -*мха* локал аффиксининг бирикувидан майдонга келган. Мўғул тилидан эвенк тилига *golumta*, *коХумта*, *kotamtan* "ўчоқ", "ўчоқбоши" маъноларида ўзлашган.

Л.С.Левитская мўғул тилидаги *yotamta* < *yolu* "тутамоқ"ни тунгус тилидаги *duluun* "гулхан, ўчоқ", эве тилидаги *dul*- "ёқмоқ, ёндирмоқ", "гулхан ёқмоқ" билау қиёслаган. Мўғул тилидаги **golū-mla* "ўчоқ" ўзагини тунгус-манжур тилларидаги **gta* "дудламоқ", корейс тилидаги **кэ:э*- "дудланмоқ" ва япон тилидаги **кту*-(*м*)*р*- "тутамоқ" билан бирлаштириб уларнинг умумолтойча прото-шакли **gtalo* (~-*e*) "дудламоқ"- "тутамоқ" деб қайд қилинган.

Туркий тилларда (олт., кирғ., қоз., қал., ўзб., уйғ.) "қозон қўйиладиган уч оёқли темир ўчоқ" маъносида; истёъмол қилинадиган яна бир мўғулча ўзлашма *tavu* сўзидир. Мўғ. ёзма ёд. *talga(n)* "устига қозон, това, човгу: қўйиладиган тўрт оёқли темир ўчоқ", "ўчоқ", "тиргак", мўғ. *lulga(n)* "уч оёқли темир ўчоқ", "тиргак" бур. *lulga* "тиргак, устун", "темир ўчоқнинг оёғи, қозон учун уч оёқ" < **lul*- "таянмоқ", "тирамоқ" **talga*- "таянтирмоқ", "устига қўймоқ". Мўғул тилидан тунгус-манжур тилларига ҳам ўтган эвенк. *lulga* "уч оёқли темир ўчоқ", "темир ўчоқнинг тағи".

Туркий тиллардаги *tagan*, *tayan* ва *taу* кабилар так- "тақмоқ" ўзагидан таркаганлигини қайд этади. Туркий тиллардаги қадимий шакли *Чакан* деб кўрсатилиб, у *takta* "тиргак", эвен. *Юдъгидан* "тиргак", манж. *Иидйа* ; **Иик*-; кад. яп. *Иуим*>е, Токио диал. (*хпкие*, Киото (*зукйё*, Кагошима диал. *зукйё* "стол" < **Ийкй-ч*>*а*! шаклланган ва мазкур лексемаларнинг олтой архетипи **Нак*^у*n* "раф" шаклида қайта тикланган. Мазкур этимология бир неча сабабларга кўра тўғри бўла олмайди. Биринчидан, ҳосил қилинган товушлар (*Гакан* сўзида /а/ чўзиқ унли ҳамда морфемалар бир-бирига мос тушмаган. Қиёсланган лексик бирликлардаги маънолар сема остида бирлаша олмаган. Учинчидан, эски тилда *tadan* "қозон" маъносида қайд қилинган. Лексеманинг бирламчи маъносини "раф"дан эмас, "юн" семасидан излаш ўринли бўлади.

Кўрсатилган сабаблар туркий тиллардаги *ta^an* сўзини "човгун"дан келиб чиққанига асос бўла олади. Мазкур лексик бирлик *la* "чой" ва >*m* 1>уск, ёғ ва шу кабилар солиш учун тунукадан ясалган идиш, чўяндан тайёрланган челакни билдирувчи икки иероглифнинг бирикувидан юзага келган. Олтой тилларига қуйидагича ўзлашган: корейс тилида *tagban* "човгун", эвенк тилида *tayan* "човгун ёки қозонни оловнинг устига осиб қўйиш учун уч оёқ"; "човгун ёки қозонни гулханга осиб қўйиш учун ерга тиқиб қўйилган эгик таёқ", бурят тилида *tagaан* "уч оёқли темир ўчоқ". Шунингдек, бу сўзни рус тилига ҳам *lagan* "подставка для котла" маъносида ўтгани кузатилади.

Мухтасар қилиб айтганда, *tagan* < (*agdan*) хитойликларнинг ўтроқ турмуш тарзида "човгун" вазифасида қўлланилган ва эски туркий тилга "қозон" маъносида ўзлашган. Унинг "қозон, човгун каби идишларни оловга қўйиш ёки осигга мослаштирилган уч оёқ" маъноси кейинроқ тунгус-манжур, мўғул ва туркий халқларнинг кўчманчилик ҳаёти натижасида орттирилган.

Оловни қориштириш учун ишлатиладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар

Олтой тилларининг маиший лексикасида ҳинд-европа тилларидан фарқли ўлароқ, косов, сих вазифасида келадиغان лексик бирликлар кенг тарқалган. Буни олтой ҳудудларининг совуқ иқлими ва унинг ўрмон, боткоқ, қамишзордан таркиб топган флораси билан изоҳлаш мумкин. Бинобарин, олтой қабилалари оловни қориштириш учун дарахтларнинг шох ва бутокларидан унумли фойдаланганлар. Шунинг учун ҳам "косов" маъносида қўлланиладиган аксарият лексемаларнинг келиб чиқиши бутоқ ва шох-шаббаларга боғланади.

КОСОВ - оловни қориштиришга мўлжалланган ёғоч ёки темир косов. Ёзма ёдгорликлар тилида *когек* "косов", *козеу*, *козегI* "косов", *коза кезо^*, *козду* "ўт кавлайдиган асбоб" шаклларида қайд қилинган. Тур. *козегг* "косов", , тур. шев. *кома*, *каед*, *козеуг*, *кезеуг*, *taefa* , *кдза*, *ктаа*», қболқ., қоз., ққал. *козеу*, ўзб. *козоу*, қоз. *козей*, нўғ. *кехеу*, тат. *кззей*, уйғ. *козеу*, I ур. Iпсв. *кдза*, *козё*, қир. *Козо* сингари фонетик вариантларда учрайди. *Kosov* сўзи

адабиётларда "учи ёнган ўтин" , чала ўтин, "ёнган ғўла" , "ўт ёқиш учун пайраҳа, тутантирик" косов ёки темир қискич деб изоҳланган.

Таҳлилга тортилган *косов* сўзининг этимологияси кўпчилик тилшуносларнинг эътиборини тортган. Масалан, *козе*- "оловни қориштирмак" феъли ва унинг дериватлари ҳақида қайдлар бор. Ж.Клосон қадимги туркий тилдаги *көзе*- "кавламок, кўрни қориштирмак", *ко:з* "кўр" ва *ко:се*- "чўғга айланмок" ўзакларини қайд қилган.

Туркий тиллардаги **көзе*- ўзаги тубандаги шакллар билан қиёсланган: мўғ. ёзма ёд. *кодмуйг*, халх. *xotag*, бур. *xmngge*, қалм. *комгуэ*, орд. *gotazge* < **ком*- "дастак"; ульч. *ктапу(н)*, нан. *кисгри* "синч, таёқ" < **кiv~ рун(~-с-)* кор. **комк* "катаак" ; эск. яп. *кисф*, *кйзам*, Токио диал. *киам*, Киото диал. *киам*, Каготайма диал. *киам* "пона; даста; тапонка" < **киар* \. Ушбу лексик бирликларнинг. "бобо тил" шакли **коз* "пишанг, дастак" деб қайта тикланган. Айтилганлар билан бирга, корейс тилининг Жежу шевасида "ўт ёқиш учун пайраҳа, тутантирик" маъносида *kosoe* сўзи истемол қилинади. Фикримизча, мазкур лексема корейс тилига туркий тиллардан кирган.

Kjseg лексемасига маънодош ҳолда *tagun* сўзи ҳам ишлатилади. Олтой ва телеут тилларида *tagun* "косов" маъносини ифодалайди. *Tugun* сўзини тарихан *usu* ўзагига боғлаш мумкин. Жумладан, турк тилининг шеваларида *tasta* "бел, дастаки сўқа"ни билдиради. Ушбу лексемага олтой тилларидаги қатор шакллар муқобил бўлади. Масалан, эвенк. *tugi*, ульч. *tuga//tagu*, орок. *togo*, нан. *togo*, *toga*, нег. *lojo*, ороқ. То`n, манж. *taga* "устун; тиргак"; кор. *Юн*, эск. кор. То`n "кўндаланг тўсин", яп. *tang*, эск. яп. *tūng* "тўсин".

Айтилганлар билан бирга, ороқ. *tagu*, нан. шев. *togo* "узун таёқ (шомонлар ишлатади)", сол. *togo* "эшикнинг кесакиси"; кор. *Юге* "эшикнинг кесакиси", кор. шев. "айри" маъноларини ҳам ифодалайди. Кўриб чиқилган мисолларга мувофиқ, туркий тиллардаги *tagun* сўзини умумолтойча ўзак *tagu* "таёқ"дир.

Кўрилган маънолар билан бир қаторда, тур. *кирек*, *рак*, бошқ. *корак*, қоз., қирғ. *кирок*, тат. *корак*, туркм. . *кирак*, *гирак* , ўзб. *Kurak* даги гупроқ, кум, ўғит, кул ва ва ҳ.к. казиб бир иккинчи жойга отиш, сидириш, кураш учун ишлатиладиган ёғоч ёки темирдан ясалган ясси ва узун асбоб вазифаларида ҳам қўлланилади. Таҳлилга тортилган *кирек* лексемаси Маҳмуд Қошғорий луғатида *kurgak* фонетик вариантыда учрайди.

Ёкут тилидан > эвенк тилига *kirjak*, эвен тилига *kirja* бўлиб ўзлашган .

Г.Рамстедт мазкур шаклларни мўғул ёзма ёдгорликлари тилидаги *кирзе*, мўғул тилидаги *хурз*, қалмиқ тилидаги *кур* / (*курзе*) "курак", "учи ўткир белкурак" билан қиёслаган. Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилидаги *курак* сўзини "қадимги туркий тилдаги "сидир-" маъносини англатган *кўр* феълининг "такрор" маъносини ифодаловчи *-га* қўшимчасини олган шаклидан *-к*

қўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик *г* ундоши талаффуз қилинмай қўйган, унлининг юмшоқлик белгиси йўқолган: (*кур-- +га кўрга-*) + *к* = *кўргак* > *кўрак* > *курак*" деб изоҳлаган .

Бу ўринда шуни урғулаш жоизки, қадимги туркий тилда "сидирмоқ" маъносида *кур-* феъли учрамайди. Қадимги туркий тилда "тўпламоқ, курамоқ" маъносида *кура* феъли қайд қилинган Ушбу ўзак қадимги туркий тилдаги *курғак* лексемасининг архетипи ҳисобланади: *курек* < *курғак* < *курғак* < *кур* "тўпламоқ, курамоқ" + *-гак* феълдан буюм номи ясовчи қўшимча (қиёланг: *ешкак* < *еш-* "тўпламоқ, курамоқ" + *-как* Умуман, туркий тиллардаги *кур-* "тўпламоқ, курамоқ мўғул тилидаги *дига-* "тўпламоқ", "йиғмоқ"; манжур тилидаги *дигсIа-* "аралаштирмақ, қориштирмақ" ; корейс тилидаги *когй* "текисламоқ, тўғриламоқ" феъллари муштарак қаторни ҳосил қилади. Фикримизча, корейс тилида "ғалла дон-дунни сидириб тўплаш, далани текислаш ва ўчоқдаги кулни тортишда ишлатиладиган "Т" шаклидаги ёғоч асбоб маъносида изоҳланган *котиге* сўзининг ўзаги ҳам *ко-* < *коп-* "текисламоқ, тўғриламоқ" феълдан урчиган.

Меҳмонхона ва ётоқхонага оид уй-рўзғор буюмлари лексикаси

Қадимги олтой халқларининг хонадони жуда оддий бўлган. Уй ва ўтов ичига асосан кундалик турмуш учун зарур бўлган анжомларгина қўйилган. Жумладан, олтойликлар ерда ўтириб овқатланишга, ерда ётишга одатланган. Шунга мувофиқ, рўзғорда қўлланиладиган столлари бўлиб, кўпинча уларнинг атрофига кўрпача тўшалиб қўйилган. Кўрпа, тўшак, ёстиқлар сандиқ ва қутиларнинг устига, баъзан очиқ жавонларга йиғиб қўйилган. Уйларнинг деворига идиш-товоқ қўйиш учун махсус токчалар ясалган. Ўтов шароитида осма токчалардан фойдаланган. Ўз навбатида, бундай буюмларни ифодаловчи сузлар оммалашиб олтой тилларининг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин олган. Олтой тилларида меҳмонхона ва ётоқхонага оид уй-рўзғор буюмлари қуйидаги лексик-семантик гуруҳлардан ташкил топган.

2.1. Уй жиҳозларини ифодаловчи лексемалар

2.2. Ўрин анжомларини ифодаловчи лексемалар

2.3. Уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар

2.4. Парда ва ёпғич номларини ифодаловчи лексемалар

Уй жиҳозларини ифодаловчи лексемалар

Олтой халқларининг ибтидоий уй жиҳозлари жуда жиддий бўлиб, кўчириб олиб юришга қулайлиги билан ажралиб турган. Улар кичкина хонтахта, ўриндиқ, сандиқ, кути, тахта токча ва рафлардан иборат бўлган. Уй жиҳозларини ифодаловчи лексемалар вазифасига кўра тубандаги турларга ажралади:

2.1. Турли анжомлар солинадиган жиҳоз номлари

2.2. Идиш-товоқлар қўйиладиган жиҳоз номлари

2.3. Ўтириб дам олишга мўлжалланган жиҳоз номлари

2.4. Ётиб дам олишга мўлжалланган жиҳоз номлари

2.1.1. Турли анжомлар солинадиган жиҳоз номлари

КАПИРЧАК - сандиқ, тобут; сават. Эски туркий тилда капирчак "кути, сандиқ", "тобут", эск. ўзб. ад. гапирчак "дарахт пўстлоғидан қилинган қутича", тур. *кобирчик*, тур. шев. *капирчак*, *кабирчак* "тобут", "кути", *капиржасак* "сандиқ", "сават", туркм. *чапирчақ* "сандиқ", ўзв шева. қаржин "қора уй ичидаги керагага осиб қўйиладиган, ичига қошиқ-товоқ солинадиган жун халтача".

Т. Ценкер, В.В. Радлов, М.Рясянен ва Ж.Клосон сингари бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг тахминича, туркий тиллардаги кабирчак сўзи қопур "ғилоф, садок" сўзи билан гомогендир. Бунга қарши "Этимологический словарь тюркских языков"да капирчак отининг қопур сўзидан келиб чиқиши фонетик жиҳатдан мушкул эканлиги, аксинча қопур шаклининг қопур га нисбатан анчайин эски бўлиши таъкидланган.

УКЕК - сандиқ, жавон, хампа.М.Рясянен ва В. Рассадиналар мўғул тилидаги *укек* сўзини туркий тиллардан олинган ўзлашма сифатида изоҳлашган. С.С.Харькова бу қарашнинг ғайриқонуний эканлигини таъкидлайди. Унинг тахминича, мўғулча асли *укег* дастлаб турли ўсимликлар, эҳтимол, хушбўй ҳид таратган гуллар сақланадиган, қопқоқсиз яшикка ўхшаш предмет бўлган ва у *уке*- "сўлиб қолмоқ, хазон бўлмоқ, қуримоқ" ва *-g* ҳаракат тугалланишига кўра предмет маъносини англатувчи қўшимчадан таркиб топган. Шу билан бирга, С.С.Харькова мўғулча *уке*- феълининг "ўлмоқ" (одамларга нисбатан) жуда нодир қўлланилишини ҳам қайд қилган.

Бизнингча, *укег* сўзи мўғул ёзма ёдгорликлари тилидаги *укуг* < *уку*- "ўлмоқ" феълига *-g* буюм номи ясовчи қўшимчанинг бирикувидан юзага келган бўлиб, у даставвал "саркофаг", яъни тобутни ифодалаган. Қадимги туркий тилга *укек* кўринишида ўзлашган. Бинобарин, Ж.П.Роукс турклар ва мўғулларнинг қадимги ўлим билан боғлиқ одатлари ва уларнинг қабрлари хусусида сўз юритиб, туркларнинг ўл - "ўлмоқ" феълини ҳеч қандай таъқиқсиз, (яъни табусли) давомли равишда қўллаб келганликлари, шунингдек, мўғуллар ҳам *уки*- "ўлмоқ" феълини маъно жиҳатидан биров ўзгаришга учраган бўлса-да, айнан қўллаганликларини қайд қилган. Яна мазкур манбада зикр қилинишича, мўғулча мазорни таърифлашда *укегур* сўзидан ҳам истифода этилган. Айтилганлар билан бирга, мўғул тилида *икта* (< *ики*- "ўлмоқ") сўзини ҳам кўздан қочирмаслик лозим.

2.1. 2. Идиш-товоқлар қўйиладиган жиҳоз номлари

СЕРУ - раф, тоқча. Махмуд Қошғарийнинг луғатида серу "уйда эшик устига қилинадиган раф, унга ҳар хил буюмлар қўйилади" деб изоҳланган. Ушбу лексема ҳозирги туркий тиллар ва

уларнинг шеваларида турли фонетик кўринишларда сақланиб қолган. Хусусан, тур. шев. "раф", *зегек* "идиш-товоқлар қўйиладиган жой", *zerpen, sergel* "раф", "ичида овқат сақланадиган идиш", *sergen* "кўрпа-тўшак йиғиладиган катта жавон", "раф", қирғ. сере "раф", "чердак", олт, *sen* "ёнғоқ солинадиган кути", ўзб. шев. сори "ўтовда товоқ-қошиқ қўйиладиган жой" маъноларида кузатилади.

Қайд қилинган лексик бирликлар **сер*- "бир жойда қимирламай турмоқ", "осмоқ", "кўрсатиш мақсадида осиб ёки ёйиб қўймоқ", "ёймоқ" феълидан тараққий этган.

ТАКЧА – идиш-товоқ ва бошқа анжомлар қўйиш учун деворга ўйиб ишланган махсус жой, раф. Тур. *takche* "тоқ, яъни дераза, эшик тепасининг ярим доира шаклида ишланган қисми", тур. шев. *tacha* "деворга ўйиб қилинган жавон", қирғ. *тексе* "утовнинг газламадан қилинган рафи", "токча", ққал. *Текше* "раф, токча", туркм. *lekje*, озарб. *Гахса*, уйғ. *ткса*, ўзб. *гйкда*, "раф, токча" (КТБ8 I, 716-717), ўзб. шев. *кекчэ*, *текча* "кути, кичик сандиқ" маъноларини англатади.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд қилинган шаклларнинг келиб чиқиш маркази Хитой бўлган. Бундай талқинни қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, сино корейс тилида *такса* "устига нарса қўйиладиган стол" "устига нарса қўйиш учун ясалган очик жавон", "Будданинг олдида қўйиладиган хонтахта" маъноларида мавжуд. Ушбу лексик бирлик хитойча *та* "овқатланиш столи, хонтахта" ва *-ча* номини ифодалайдиган икки қисмдан таркиб топган. Иккинчидан, хитой тилининг қонуниятларига кўра, у бошқа тиллардан тўғридан-тўғри сўз ўзлаштира олмайди. Балки сўзларни калькалаш воситасида семантик-жиҳатдан ўзлаштиради. Бинобарин, *такса* сўзидаги иккала иероглиф ҳам унинг хитойча асли эканлигини кўрсатиб турибди. Учинчидан, юқорида кўрсатилган шакллар фақат ҳозирги замон туркий тилларида кузатилади. Ваҳоланки, туркий тилларга араб тилидан сўз ўзлашиши маълум тарихий даврлардагина фаол бўлган, улар орасида рўзғор буюмларини ифодаловчи лексемалар миқдоран ўта озлиги билан ажралиб турган.

Мўғул тилида *tag* "осма раф", "токча", қалмиқ тилида *tag* "раф", "идиш-оёқ қўйиладиган кичик токча", таглик", "пиёлалар учун қутича", бурят тилида *tag* "токча" маъноларида қўлланилади. С.С.Харькованит тахминича, мўғулча *tag* шакли тўғридан-тўғри арабчадан олинган ёки мўғулча асли *tad* синчли каппон бўлиши ҳам мумкин

Таҳлилга тортилган *tag* сўзи мўғул ёзма ёдгорликлар тилида қайд қилинган. Демак, уни арабча ўзлашма деб даъво қилиш тўғри эмас. Қолаверса, мўғул тилидаги "осма раф", "токча" ульча тилидаги *tata* "осма раф", манжур тилидаги *тихи* "раф"; корейс тилидаги *тэк*, эски корейс тилидаги *тэк* "неча қават токчали очик жавон", "раф".

Айтилганлар билан бирга, мўғул ёзма ёдгорликларидаги *tag* "осма раф", "токча"дан ташқари "тоғ", "тоғлик", "тоғ чўққиси", "ясси тоғ";Корейс тилидаги *tэк* "раф", "токча"дан ташқари "ясси тоғлик, ясси тоғ" маъноларида ҳам қайд қилинган.

Демак, мўғул тилидаги *tag* ва корейс тилидаги *tэк* лексемаларининг бирламчи маъноси "тоғ", "тоғ чўққиси", "ясси тоғлик" бўлиб, у қадимги-туркий тилдаги *tay* "тоғ" , қадимги япон тилидаги *take* "тоғ", *taka* "баланд" билан гомоген ҳисобланади. Мазкур лексик birlikларнинг умумолтойча прото-шаклини **так* "тоғ", "баланд жой" деб қайта тиклаш мумкин.

Турк тилининг шеваларида токча маъно функциясида *йегек* лексемаси ҳам кузатилади. У "ошхона жиҳозлари қўйиладиган уч рафли жавон", "эшигига зич сим парда тортилган овқат сақланадиган жавон", "токча", "устида овқат ейиладиган катта лаъли" , "товуқ қўноғи" маъноларини англатади. *Тегек* сўзи *тег-* "термоқ, тўпламоқ" ўзаги ва буюм номи ясовчи *-ек* қўшимчасидан ясалган. Қиёсланг: мўғул тилидаги *йаг-та-* "тўпланмоқ, йиғилмоқ, тўдаланмоқ" .

Зикр қилинганлар билан бирга, эски турк тилида *lelek* "турли буюмлар қўйиладиган икки қаватли том", тур. шев. *тек* "тахта токча, раф" , ўзб. шев. *tatak* "болохона", "том тепасига қурилган омбор" , "омбор", туркм. *teta:p* "пана жой" шакллари ҳам истеъмол қилинади.

Кийим-кечак ва безак буюмлари лексикаси

Кийимлар моддий маданиятнинг асосий қисмларидан бўлиб, уларда шу халқнинг миллий хусусиятлари ва маданий қадриятлари намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг анъанавий машғулоти тури (деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва ҳ.к.), фасл ва ёшдаги ўзгаришлар, ҳатто ўша халқнинг феъл-атворидаги нозик томонлари ҳам кийимларда мужассамлашган. Кийимлар тарихнинг турли давларида бўлган ўзгаришлар баробарида ўзгариб борган ва ўша замоннинг инъикосини ўзида акс эттириб турган.

Тарихий ва этнографик манбаларда қайд қилинишича, илк суворий кийимлари саналган калта камзул, шалвар ва пошналар этиклар қадимги туркларга оид булган. Чунончи, М. Аджи Европа биринчи марта шалварни туркий халқларда кўрганини, шунингдек, жун ва ипакдан тикилган бундай шалварларнинг 2 минг йил олдин қадимги Олтой ҳудудларида мавжуд бўлганини ёзган.

Бузқир турклари кийим-кечакларини қўй, сизир, тулки ва турли ов ҳайвонларининг терисидан ҳамда қўй, эчки, туя каби ҳайвонларнинг жунидан тайёрлашган. Айниқса, кигиз ёмғир ва қорда кийиладиган устки кийимлар, шунингдек, бош ва оёқ кийимларини тикишда асосий хом ашё вазифасини бажарган. Шу билан бир қаторда қадимги турклар бўз тўқишган, кийим учун кендирь етиштиришган. Турклар томонидан ишлаб чиқарилган жун газламалар ва кигизлар Хитой ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинган. Маҳмуд Қошғарий ҳам "Девону

луғотит турк" асарида қадимги турклар гилам, жун ва ип газламаларни кўл дастгоҳларида тўқиганликлари, шойи газламаларни эса Хитойдан олиб келганликларини қайд қилиб ўтган.

Кийимнинг пайдо бўлиши ҳақида сўз борар экан, жамият ҳаётида кийим турларини юзага келтирган турли ижтимоий омилларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Ҳарр қайси халқда, ҳар бир миллат яшаган жойнинг табиий шароитлари, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ҳолда, турли мамлакат халқларининг ёнма-ён яшаши ўзаро моддий ва маданий алоқаларнинг ўсиши натижасида кийимлар, уларнинг бичилиши ва ҳатто номлари бир-бирига ўхшашини ҳам кўзда тутиш лозим.

Хуллас, баданни беркитиш, ёпиш учун кийиладиган, асосан мато ва теридан тикиб тайёрланган нарсаларнинг умумий номи кийим, кийим-кечак дейилади. Олтой тилларидаги кийим-кечак ва тақинчоқлар ўзининг қўллани-лиш вазифасига кўра тубандаги лексик-семантик гуруҳларга бўлинади:

3. 1. Устки кийимларни ифодаловчи лексемалар

3. 2. Ички кийимларни ифодаловчи лексемалар

3. 3. Кийимларга ёрдамчи буюмларни ифодаловчи лексемалар

3.4. Бош кийим номлари

3. 5. Оёқ кийим номлари

3. 6. Безак буюми номлари

Устки кийимларни ифодаловчи лексемалар

Кийим турларининг шаклланиши ҳар қайси халқ яшаган жойнинг табиий шароити, хусусан, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ бўлади. Жумладан, олтой халқлари орасида устки кийим турлари кенг тарқалган бўлиб, буни қадимги олтойликлар яшаган ҳудудларда ёнгарчиликнинг сероблиги ва иқлимнинг совуқлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, қадимги ва эски туркий тилда "ёмғирпўш" маъносини ифодалаш учун *jalma* лексемасидан фойдаланилган. Маҳмуд Қошғарий мазкур лексемани шундай изоҳлайди: "...форслар буни туркий халқлардан олиб *jalma* шаклида ҳам талаффуз қиладилар. Араблар форслардан олиб *jalmaq* шаклида қўллайдилар. Ҳеч ким бу сўзни турклар форслардан олганлар деб даъво қила олмайди. Чунки мен бу сўзни энг қирғоқ чегараларда яшовчи оддий турк халқларидан ҳам эшитганман. Булар бошқа халқлардан кўра, бу хил ёмғир ёпинчиғига муҳтождирлар. Чунки буларнинг юртларида қор, ёмғир кўпдир"

А.В.Дыбо туркий тиллардаги * *jalma* сўзини тунгус-манжур тилларидаги **nalma* "куртка" билан бирлаштирган (қиёсланг: эвенк, *nelmeken* "кафтан, чакмон", орок. *nalman* "куртка", "авра-астарли муйна пустин". Кейинроқ (<http://starling.rinet.ru>) туркий тиллардаги

**jalma*; тунгус-манжур тилларидаги **nelme-*; мўғул тилидаги **nolom* "кимхоб" лексик бирликлари айна гуруҳда келтирилган.

Таҳлилга тортилган *jalma* "ёмғирпўш" лексемаси < **ja-*"ёпмоқ", "қопламоқ" ўзаги + - *l* ва кийим-кечак номи ясовчи *-ma* аффиксларининг қўшилишидан ясалган.

jau- < **jag-* "ёғмоқ" феълидан юзага келган ясамадир. Чунончи, "Девону луғотит турк"да *jaqu* сўзи "ёмғирли жой" маъносида қайд қилинган. Маҳмуд Қошғарийнинг изоҳлашича, бу сўз асли *jayqu* бўлиб, унинг енгиллатилган шакли *jaqu* дир. Ж.Клосоннинг фикрича, *jaqu* сўзи *jau-*"ёғмоқ" ўзагидан шаклланган. Туркий тиллардаги **jag-*"ёғмоқ" ўзаги мўғул ёзма ёдгорликлари тилидаги *agadar* "жала, шаррос ёмғир"; тунгус-манжур тилларидаги *aga* "ёмғир"; корейс тилидаги *aksu, dksu* "жала, шаррос ёмғир"; япон тилидаги *aki* "куз" билан уядош қаторни ҳосил қилади. Зеро, прото-олтой тилидаги **/a...ol* унлиси прото-мўғул тилида *lal*, прото-тунгус-манжур тилида *lal*, прото-корейс тилида *lal*, прото-япон тилида *lal* унлисини ифодалар экан, прото-туркий тилдаги муайян ҳолатларда *ljal* дифтонгини беради.

Иккинчидан, мўғул тилидаги *daqu, daxu, daxa* "елкага ташлаб юриладиган мўйнали кийим", "пўстин" одатда той, бузоқ, ёввойи эчки, буғу, оққуйруқ каби хайвонларнинг терисидан тикилади. Шунга кўра, уни мўғ. ёзма ёд. *dagatay* "икки ёшли от", даг. *daya*, муг. *dayaya* "той, қулун", *daxlaj* "улоқча, кўзичоқ"дан келиб чиққан деб изоҳлаш тўғри бўлади.

Учинчидан, тунгус-манжур тилларидаги *lekemi, laqu* ва ҳ.к. шаклларнинг этимологияси *lekerki* "денгиз мушуги", *laqtaq* "бир тур денгиз мушуги", "денгиз мушугининг териси" билан боғланади. Аслида туркий тиллардаги **jagu* "ёмғирпўш"ни тунгус-манжур тилларидаги *aga* "ёмғир" ўзагидан ўсиб чиққан "ёмғирдан сақлайдиган" ва "соябон" бирликлари билан қиёслаш мақсадга мувофиқдир.

Туркий тилларда "кигиздан қилинган ёмғирпўш маъносида *керепек II корепек* лексемаси ҳам истеъмол қилинган.

Масалан, эск. узб. ад. *карапак* "жун матодан тикилган кийим, дарвишларнинг устки кийими", *пак* "жун чакмон", *кипенк* "кўйлак", *кирек* "ёмғирда кийиладиган жун чакмон", тур.*пек* "чўпонлар киядиган чоксиз, енгсиз кигиз кийим", тур. шев. *керепек, корепек* "енгсиз, кигиздан қилинган чўпонларнинг кийими маъноларида келади.

ХУЛОСА

1. Олтой тиллари лексикасининг катта қисмини муштарак маиший сўзлар ташкил қилади. Олтой тилларининг маиший лексикаси олтой халқларининг яшаш тарзи, турар жойи, уй жиҳозлари, буюмлари, кийим-кечаклари, маънавий ҳаёти, урф-одат ва анъаналарига доир тушунчаларни акс эттирувчи умуммуштарак сўзлар тизимини ўз ичига олади.

2. Тадқиқотда 191 та умуммуштарак маишӣ лексика ўрганилди. Буларнинг 150 таси қадимги олтой давридан бери яшаб келаётган ўз қатлам сўзларидан иборатдир. Улардан айримлари фақат баъзи тил ва шевалардагина сақланиб қолган. Баъзи лексемаларнинг семантик ва фонетик структурасида ўзгаришлар рўй берган. Олтой тилларидаги муштарак маишӣ лексика асосининг ўз сўзлардан ташкил топганлиги олтой тилларининг қарин-дошлик муносабатлари генезисига аниқлик киритади.

3. Олтой халқлари ўртасида маданий алоқалар яхши ривожланганлиги боис олтой тилларининг умуммаишӣ лексикаси ўзлашмалар ҳисобига ҳам бойиб борган. Яқин қўшничилик муносабатлари натижасида тилларга муайян халқнинг маданияти, урф-одати ва анъаналари билан боғлиқ лексик бирликлар кириб келган. Хусусан, туркий тилларнинг маишӣ лексикасида 41 та ўзлашма сўз борлиги аниқланди. Улардан 18 таси мўғул, 12 таси хитой, 4 таси корейс, 4 таси тунгус-манжур, 1 таси форс-тожик, 1 таси араб ва 1 таси ҳинд тилидан ўзлашган.

4. Туркий тиллар маишӣ лексикасида мўғул ва хитойча ўзлашмалар бошқа тилдаги ўзлашмаларга нисбатан кўп миқдорни ташкил этади. Бунинг биринчи сабаби турк ва мўғул қабилаларининг Марказий Осиё ҳудудларида Х асрга қадар ёнма-ён яшаб, иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларга киришганлиги, иккинчидан маълум анъаналарнинг қўшни мамлакатлардан кириб келганлиги билан изоҳланади. Жумладан, чой ичиш анъанаси ҳамда чинни буюмлар ишлаб чиқариш дастлаб Хитой ҳудудида вужудга келган. Шунга мувофиқ, чой қайнатиш, чой дамлашга мосланган рўзғор буюмлари, шунингдек, дур ва марварид номларини ифодаловчи айрим лексемалар хитой тилидан ўзлашган.

5. Изланиш уй-рўзғор жиҳозлари лексикасида кўчманчилик ҳаёти ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ, рўзғор буюмларини ифодаловчи лексемалар умумолтойча ёки олтой тиллари доирасида ўзаро ўзлашган лексик қатламни ташкил қилганлигини кўрсатди. Айниқса, бу гуруҳда турк-мўғул ёки турк-тунгус-манжур изоглоссалари кенг тарқалган.

6. Олтой тилларидаги маишӣ сўзларнинг номлари қандай тамойил асосида яратилганини белгилаш нуқтаи назаридан бу сўзларга қиёсий-тарихий ва диахроник тарзда ёндашилиб, тарихий давр ёзма манбалари, шунингдек, шева материаллари асосида уларнинг лексик, фонетик ҳамда морфологик таракқиёти аниқланди. Бунинг натижасида 92 та лексик бирлик учун янги этимология таклиф этилди ва мазкур лексемаларнинг этимологиясига оид мунозарали масалалар илмий далиллар, хулосалар асосида янгича талқин этилди.

7. Олтой тилларининг маишӣ лексемалари ўзига хос аталиш принципига эга бўлиб, уларни номлашда образ воситаси, метонимия, метатеза, апокопа ҳамда синкопа каби лингвистик ҳодисалар кузатилди.

8.Олтой тилларида ўт ёқиш ва иситиш қурилмаларининг номлари кенг тарқалган. Бу олтой халқлари яшаган илк юрт иқлимининг совуқ бўлганидан далолат беради. Шунингдек, ўт ёқиладиган ғор ва ўчоқлар олтойликлар учун дастлабки бошпана вазифасини ўтаган. Бу ўз навбатида "ўчоқ" маъносида қўлланилган лексемаларнинг семантик-услубий имкониятининг кенгайишига сабаб бўлган.

9."Қозон" тушунчаси дастлаб одамлар ўт ёқиш, овқат пишириш ва оловга сиғиниш учун йиғиладиган сифатида мавжуд бўлган. Тил тараққиётининг кейинги даврларида унинг "овқат пиширадиган идиш" маъноси шаклланган: *qazan* < *kazan* < **karan* < **kaqa* "халқ, оломои" + *-n* жамловчи қўшимча. Ибтидоий қозонлар асосан тошдан ва сополдан ясалган. Бундай қозонлар *gtivec*, *ktivec* номи билан юритилган. Металл қозонлар бронза даврида ишлаб чиқарила бошланган. Бу даврдаги қозонларнинг барчаси бир оёкли бўлган ва тўғридан-тўғри оловга қўйилган. Қадимда бир оёкли қозонлар ва оёкли қадахлар катта қимматга эга бўлиб, улар олтой халқлари муқаддас маро-симларининг ажралмас қисми ҳисобланган.

10.Олтой халқлари яшаган ҳудудларнинг фаунаси буғу, кийик, сайғоқ, ёввойи эчки, қўй, сувсар сингари ҳайвон турларига бойлиги билан характерланади. Бундай зоонимлар қатор маиший лексемаларнинг ясалишида ўзига хос этимон вазифасини ўтаган. Маиший лексемаларни ҳосил қилишда айниқса, қўй зоонимининг фаоллиги кузатилади.

11.Олтой флорасининг ўрмон, ботқоқ ва қамишзордан таркиб топганлиги бу ҳудуд маиший лексикасида дарахт ва ўсимлик номлари билан боғлиқ, туркум сўзларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Маиший сўзларнинг юзага келишида, айниқса, қайин дарахтининг номлари фаол иштирок этган. Олтойликлар маданий ҳаётида қайин муқаддас дарахт ҳисоблангани учун унинг пўстлоғидан уй-рўзғор буюмларини ясашда кенг фойдаланилган. Маиший лексиканинг аталишида қарағай, тол, қамиш, бамбук номлари ҳам қатнашган.

12. Қадимги олтойликларнинг диний одатларига кўра, ўлик тобутга солиниб, аҳоли яшамайдиган чекка жойларга олиб борилиб дафн қилинган. Шунга кўра, анжомлар солинадиган жиҳоз номларининг аксарияти (*qari'rcaq*, *йкек*, *abdird*) олтой даврида тобут вазифасини ўтаган. Тилнинг ривожланиши жараёнида уларнинг маъно функцияси кенгайиб, турли буюмлар жойлаштириладиган жиҳоз маъносини касб этган.

13. Кийим-кечак лексикасининг аксариятини устки кийим номларини ифодаловчи сўзлар ташкил қилади. Буни қадимги олтойликлар яшаган юртнинг серёғинлиги ва иқлимининг совуқлиги билан изоҳлаш мумкин. Калта пўстин, муйна ёқали тўн кийган одамлар тасвирланган қадимий тош ҳайкалчаларнинг Олтой ва Тувадан топилганлиги бу ҳудудларда

сувсарсимонлар ва тийинсимонлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг кўплаб овлангани ҳдмда улардан мўйнали кийимлар тайёрлангани, шунингдек, Сибирнинг мўйнали кийим номлари келиб чиққан инновацион марказ бўлганидан далолат беради. Бинобарин, туркий ва мўғулий тиллардаги мўйнали кийим номларининг ясалишида сувсар, бурундук, сассиккўзан каби ҳайвон номлари асос қилиб олинган бўлса, тунгус-манжур тилларидаги кийим отлари буғу, айик, суғур, балиқ ва денгиз мушуги сингари ҳайвон номларидан келиб чиққан.

14. Устки кийимларнинг асосий унсури "йирмоч" бўлган. Йирмочли кийимлардан отда юриш ва жанг қилиш учун кенг фойдаланилган (*сектеп* "енги узун. йирмочли устки кийим" < **сёк* "йирмоч" + *-теп*; *саран* "йирмочли устки кийим" < *сар-* "иккига ажратмок" + *-(a)n*).

15. Кийим-кечак лексикасидаги қадимий сўзлардан айримлари ҳозирги даврга келиб истеъмолдан чиққан ёки бирламчи маъносини йўқотиб, янги маъно касб этган. Масалан, *тон* сўзи олтой даврларида "ички кийим", қадимги туркий тилда "кийим", эски туркий тилда "кўйлак", "кийим" маъноларини англатган бўлса, ҳозирги замон туркий тилларида *тон* уст кийим туридан бирини ифодалайди (*тон* "кийим" < *дон* "ички кийим" < **до* "ич, ички" < **dot*) "ич, ички", "ўрта").

16. Кийим-кечак ва тақинчоқ номларини яшашда соматик лексемалар фаол иштирок этган. Олтой даврида оёқ, болдир, оёқ кафти, қўл, билак, қўл кафти каби соматик узвлар алоҳида номланмасдан, улар умумий **pal* лексемаси билан ифодаланган.

17. Олтой тиллари бир хил унли товушлар тизимига эга бўлиб, уларнинг сони тўққизта. Олтой тилларининг аксариятида сингармонизм мавжуд бўлса-да, прото-олтой тили учун ҳозирча десингармоник ҳолат тикланган. Олтой тилларининг ундош товушлари ассимиляция қонунияти, сўзларнинг асосан бир ундош билан бошланиши, жарангли ундош товушларнинг сўз ўзагида барқарор бўлиши, прото-тилда жаранглилик ва жарангсизлик оппозициясининг мавжудлиги билан характерланади.

18. Кузатишлар олтой тилларида "ротацизм", "зетацизм" ҳодисасининг ҳақиқатан мавжудлигини кўрсатди. Прото-олтой тилидаги **z* ундоши прото-туркий тилда *J* ундошини, бошқа олтой тилларида *s* ундошини ифодалайди. Туркий тиллардаги *s* ундоши прото-туркий тилдаги латерал **l* ундошидан тараққий этган.

19. Олтой тиллари маиший лексикасида сўз яшашнинг морфологик ҳамда синтактик усулларида фойдаланилади. Маиший лексемалар яшашнинг морфологик усули энг сермахсул ва фаолдир. Морфологик усул билан сўз ясалишида аффикслар сўз ўзагининг фонетик табиатига мослашади. Маиший лексемаларнинг таркибида келадиган айрим аффикслар олтой даврида мустақил сўз вазифасида истеъмолда бўлган.

20. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи олтой тиллари тарихини ўрганишда, лексик тараққиёт босқичларини изоҳлашда, тарихий лексикология асосларини яратишда, қиёсий-тарихий тилшуносликни ри-вожлантиришда, шунингдек, ўзбек тилининг бошқа олтой тиллари билан муносабатини ёритишда ва унинг тарихий илдизларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -413б.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
- 3.Базарова Д. Х., Шарипова К. А. Развитие лексики тюркских языков Средней Азии и Казахстана. - Ташкент: Фан, 1990. -171 с.
4. Базарова Б. Лексика женской одежды у Агинских бурят // Этно-культурная лексика монгольских языков. -Улан-Удэ, 1994. - С. 139-144.
5. Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и её изучение. -М.:Наука, 1981.- 135 с.
6. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. -Тошкент: Фан, 1985. - 200б.
7. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. - Тошкент: Фан, 2007. - 500 б.
8. Дадабаев Х., Насиров И., Хусанов Н. Проблемы лексики старо-узбекского языка. - Ташкент: Фан, 1990. - 214 с.
9. Дадабаев Х. Сословная терминология в старотюркских письменных памятниках XIУ-XУ вв. // Адабий мерос. - Ташкент, 1989.-№2(48).-С. 17-27.
10. Дмитриев Н.К. Строй тюркских язмов. - М.: Наука, 1962. -541 с.
11. Дыбо А.В. Семантическая реконструкция в алтайской этимологии. Соматические термины (плечевой пояс). - М.: 1996. - 392 с.
12. Дыбо А.В. К культурной лексике праалтайского языка // Балто-славянские исследования 1988-1996. - Москва, 1997. - С. 164-177.
13. Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Т.: Фан, 1990. - 257 б.
14. Исҳоқов Ф. "Бобурнома" учун қисқача изоҳли луғат. -Андижон: ОАЖ, 2008. - 236 б.
15. Кыргыз тилининг тушундурме сездугу. - Фрунзе: «Мектеп» басмаси, 1969. - 775 с.
16. Левитская Л.С. Историческая морфология чувашского языка. - М.: Наука, 1976. - 207 с.
- 17.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. -Тошкент: Университет, 2000. - 600 б.
18. Русча-ўзбекча луғат. - Тошкент: 1983-1984.1. - 807 б., II. - 797 б.
19. Усманова Ш. "Ўчок" сўзининг этимологияси ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари / Илмий мақолалар тўплами. III. - Тошкент, 2006. - Б. 100-103.
20. Усманова Ш. "Қумғон" сўзининг этимологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2007. - № 6. - Б. 79-83.
21. Хасанов Е. Навоий асарлари учун қисқача луғат. -Тошкент: Фан, 1993. - 376 б.